Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1995 йил, 15 август

10 - сон

Етти иқлим чопари

ОДИЛ ҚОНУНИЯТ

Жаҳон матбуоти, радиоси, телевидениеси ўз саҳифалари ва вақтининг катта қисмини Чечен, Югославия, Фаластин воқеаларига ажаратади. Булар жаҳон миқёсида олганда нисбатан катта давлатлар эмас. Жўғрофий нуқтайи назардан уларни ифода қулайлиги учун кичик мамлакатлар деб айтиш ҳам мумкин. Кичик халқ, кичик мамлакат деган тушунчаларни камситиш ёки кичрайтириш деб қарамаслик керак.

Давлатларга нисбатан буюк сўзи мақтов бўлмагандай, балки ҳолни англатганидай кичик сўзи ҳам бунда сифатни эмас ҳолни англатади.

Тарихчилар дунёнинг кейинги иккита катта қирғин уруши Болқондан чиққанлиги ва бу урушлар кўп халқлар, бир қанча империяларнинг бошини еб кетганлиги ҳақида тез-тез ёзадилар ва муҳокама юритадилар.

Кичик жойдан чиққан низо ёхуд можаро бора-бора дунё миқёсидаги урушга айланиб кетганлиги инсониятни таажжубга солиб келади, тарихчилар, сиёсатчилар, ижтимоиётчиларни жиддий ўйлантиради ва ташвишга солади.

Хўп, олайлик, ипмерияларнинг қулашида маълум қонуният, ижтимоий тараққиётнинг маълум адолати мавжуд. Барча империяларнинг охир-оқибат чириганлиги, заифлашгани, ўзини ўзи еб битирганлиги ва ниҳоят оламни чанг-тўзонга тўлдириб қулаганлиги кўп минг йиллик тарих саҳифаларидан маълум. Истиснолар бўлган эмас. Империялар қулаган ва бундан кейин ҳам қулайверади.

Империялар йигирманчи асрда кичик жойлардан чиққан ўтлардан қулади.

Нега шундай? Империя ожизланиб қолгандан сўнг кичик жойларда, кичик ўчоқларда тошган ўтларни эплай олмай қўядими? Эплайди. Жуда даҳшатли ваҳшийлик билан эплайди. Нега унда империя ўз қулашининг олдини олмайди?

Дунёда муқаррарлик деган нарса бор. Ҳар нарса ҳеч бир истисносиз бўртади, куртак ёзади, гўзал япроққа айланади, гуллайди, кучга тўлади, самара беради, сўнг рангида ўзгариш бўлади. Гуллаш қандай муқаррар бўлса, ажинлар тушиши, мункайиш сўнгги йўл тадбирини кўриш ҳам шунчалик муқаррардир.

Империялар ҳам одамлар каби яшайдилар. Империялар ҳам ўзлари хоҳлайдиларми-йўқми табиат қонунларига, табиат измига бўйсунадилар. Албатта, у бўйсунмайман дейди. Қаршилик кўрсатади. Тиш-тирноғигача қуролланади. Йигит-қизларини қон тўкишга ўргатади, уларни қон тўкишдан қўрқмаслик руҳида тарбиялайди. Йигит-қизларимиз қанчалик жангари бўлса, шунчалик кучли бўламиз, бизни ҳеч ким енголмайди, доим ўз манфаатларимизни ўзга мамлакат ва халқлар манфаатларидан устун қўйиш имконига эга бўламиз. Куч билан ўз манфаатларимизнинг устунлигига дунёни, мунглуқ халқларни ишонтирамиз, дейди. Лекин қариш, чириш муқаррар. Шунинг учун жангариликка ўргатиш, қон тўкишдан ҳазар қилмаслик охири бутунлай тескари натижалар беради. Қон тўкишдан ҳазар қилмаганлар жуда оғир маънавий-руҳий, жисмоний таназзулга учрайдилар. Таназзул уларни ҳар томонлама қуршаб олади. Улар бу ҳақда тугалмас баҳсларга берилиб кетадилар. Лекин баҳсларидан ҳеч бир самара чиқмайди. То меҳрибон табиат уларни янгиламагунча бу чириш шундай ҳасратда давом этади.

Чечен, Фаластин, Бўшна империялардан қолган ёдгорлик. Қаеридан олиб қараманг, у ерларда бўлаётган можароларнинг учи ўтиб кетган империялар олиб борган қонли, зўравон сиёсатларга уланади.

Ер юзида қилинган адолатсизликлар қандайдир бир нуқталарда жам бўлади. Адолатсизлик ва зўравонликнинг кичкина учуғи чипқонга айланади. Кўп замонлар яра битмайди. Ҳамиша тутаб ётади.

Шу тариқа ер юзида низо ҳамда можароларнинг жуда кичкина моделлари пайдо бўлади.

Федерациялар, улуғ давлатлар шу моделларни ҳар томонлама синаб ётадилар. 91-йилда Сербия Хорватиянинг ерларини босиб олса ва босиб олинган ерларда сохта бир ўлка тузса, Сербияни қоралаган ва койиган бўладилар. 95-йилнинг августига келиб Хорватия куч-қувват тўплаб катта ҳарбий қўшин билан ўз ерларини қайтариб олса, яна улуғ давлатлар Хорватияни койиган бўладилар. Инсон ҳуқуқлари бузилмоқда. Икки юз минг қочоқ бошпанасиз қолди, деб муҳокамага тушиб кетадилар. Жириновскийга ўхшаган жаноблар эса, у томонни ҳам, бу томонни ҳам хафа қилмаслик учун, майли, серблар — Сербияда жам бўлиб, майли, хорватлар ва бўшноқлар Хорватия ҳамда Бўшнада жам бўлиб яшайверсинлар, фақат кўчаётганда инсон ҳуқуқларини бузмасинлар, деб илтифот қиладилар. Тужман билан Милошевични дарҳол Масковга чақирдилар. Милошевич келди. Тужман келмади. Жаноб Горбачев эса бундан дарров хулоса чиқарди: Империя-империя дейишади. Империя пайтида Тужман ҳам, Милошевич ҳам Масковга келишган, келишиб олишган эди. Уларга империянинг сўзи ўтган эди, нега сиз демократларнинг сўзларингиз уларга ўтмайди, деб ҳайронлик билдиради ва оз сўзлар билан кўп империя соғинчларини англатади. Империяларнинг зўравонлиги билан демократларнинг инсон ихтиёри ва ҳақ-ҳуқуқларини муқаддас билишларини ҳеч замонда солиштириб бўладими?

Зўравонликлар инсониятга етказган оғир талафотларни тузатиш, тутаб ётган жароҳатларга малҳам қўйиш, ниҳоят, уларни тузатиш, эндиликда зўравонликларга ҳеч қачон йўл қўймаслик учун инсоният ақлидрок билан қора терга тушиб ишлаши керак. Давлатлар катта-кичиклигидан қатъи назар, бунда инсониятга ёрдам беришлари, инсониятнинг янги, урушлар ва қон тўкишлар кун тартибидан олиб ташланадиган замонларга ўтишини таъминлашлари заруратга айланди.

Серблар ҳам, хорватлар ҳам, бўшноқлар ҳам, фаластинликлар ҳам, яҳудийлар ҳам бош-кети йўқ низолардан безидилар, чарчадилар.

Айнимас ҳақиқат шуки, уларнинг фароғатлари бировда эмас, ўз қўлларида.

Фақат фароғат ўзгалар қонини тўкиш, биродар хонумонини барбод этиш билан эмас, ўз тақдирини ўзи одил яратиш билан бўлади.

Жарқўрғон осор-атиқалари

Тирмиздан 60 км нарида Шеробод тумани бор. Шу тумандаги Эшбой Бердиев номидаги жамоа хўжалигида ажойиб бир илмий даргоҳ мавжуд. У археология музейидир.

1970—80 йилларда академик Аҳмадали Асқаров ушбу туман ерида археологик қазишлар ўтказди. Бу иш бир неча йил давом этди. Илмий натижалар ҳам жуда унумли бўлди. Бу археологик тадқиқотларнинг маҳсуллари ва натижалари ана шу қишлоқ археологик музейида ўз аксини топган.

Археологик қазувлар Сополли тепа (ҳозирги Музработ туманида) ва Жар Қўтан (Шеробод туманида) деган жойларда олиб борилган эди.

Музей экспозицияси каттагина бир хонада жойлашган. Хонага кираберишда чап томонда Сополли тепа шаҳарчасининг плани қўйилган. Унинг ери тўрт гектар чамаси. Планда шаҳарчанинг кўчалари, ерлари, ундаги иморатлар аниқ кўрсатилган. Бу лавҳа остида эса ана шу ерда топилган идишлар қўйилган. Улар икки чойнак, уч кичик сув ичадиган идиш; бир каттагина хурма, ўнта турли ҳажмдаги вазалардан иборат. Бу сопол идишларнинг ёши тўрт минг йилга етади. Чунки улар мелоддан олдинги икки мингинчи йил бронза даврига оиддир. Ана шу лавҳалар ёнида сомонли лойдан ясалган тўрт катта ғишт қўйилган. Уларнинг узунлиги қирқ беш, эни ўн беш см келади. Сополли тепадаги иморатлар ана шундай ғиштлардан қурилган.

Ғиштлар ёнида тошдан ясалган икки ишлаб чиқариш қуроли турибди. Улардан бири чўзиқ тош рудаларни майдаловчи қуролдир. Иккинчиси эса икки тошдан иборат. Улар донни янчмоқ учун ёрғичоқ қилиб ишлатилган.

Музейнинг бошқа бир витринасида Бронза даврига оид қабрдан топилган археологик материаллар жойлаштирилган. Улар Жар Қўтандан топилган. Қабрда 30 ёшлардаги аёл дафн этилган экан. Марҳума билан бирга ўша қабрга озуқалар солинган идишлар, ҳатто пардоз ашёлари ҳам қўйилган. Улар сополдан, бронзадан ясалган.

Жар Қўтандан топилган бир мато нишонаси ҳайратга солади. Ўша вақтда матолар каноф ёки зиғир толасидан тўқилган. Ушбу мато эса пахтадан тўқилган.

Жар Қўтандан топилган тошдан ясалган меҳнат қуроли (мих, безаклар, идишчалар ва ҳ. к.) ҳаммаси ҳам Бронза даврига оид бўлиб, бундан тўрт минг йиллар муқаддам Қадим Шарқ цивилизациясига мансубдир. Бу ерда рудадан мис олиб, мис билан қалайни қориштириб бронза ясаганлар. Бронзадан турли турмуш ашёлари тайёрлаганлар. Бу одамлар оташпарастлик эътиқодига ишонганлар. Дафн одатлари шундан далолат беради.

Улар деҳқончилик билан шуғулланганлар. Музейнинг VII қисмида осойишталик, деҳқончилик маъбудасининг Жар Қўтандан топилган тасвири намойиш этилган. Жар Қўтан ва Бўстондан топилган археологик маълумот оташпарастликнинг ёшини яна беш юз йилга оширади.

Музей экспозициясида яна ўша давр одамининг қиёфасига оид маълумот, оташпарастлик эътиқодидаги дафн одатларига доир тушунча берувчи хабарлар мавжуд.

Археологик қазилмаларда топилган 150 дан зиёд ашё токчаларга териб қўйилган.

Бу музей академик А. Асқаровнинг самарали илмий фаолияти натижаларидан бир нишонадир. Музей 1983 йилдан бери ишлаб турибди.

Музей илмий ходими Шодмон Эргашев бу жойнинг софдил жонкуяри. У эҳтирос билан музей экспозициясига шарҳлар беради.

Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги бу кичик бир музей ҳозир вилоят халқининг қизиқиб томоша қиладиган бир Маданият даргоҳига айланиб қолган. Самарқанд университетининг талабалари ҳам шу ерда ўқув тажрибасини ўтказадилар.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Самарқанддаги Археология илмий институти вилоятдаги ўз илмий ишларини давом эттирмоқда.

Шеробод қишлоқ археология музейи жаҳон археология олимларининг диққатини ҳам ўзига жалб этган. Италия, Англия, Франция, Германия, Америка Қўшма Штатларининг археолог олимлари келиб шу музей базасида ўз илмий ишларини олиб бормоқдалар.

Сурхондарё вилоят ва Шеробод туман раҳбариятининг илм-фан арбоблари билан ҳамкорлиги шундай самаралар берган.

Ушбу қишлоқ археология музейи Ўзбекистонда кенг ривож топаётган археологик тадқиқотлардан бир томчидир. Улар кўпая борсин. Ахир тома-тома кўл бўлур дейдилар. Бу томчилар йиғилиб бирор бир куни катта бир кўлни — Ўзбекистон республика археология музейини ташкил этса ажаб эмас!

Азиз ҚАЮМОВ

Истиқлол оналари

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

«Миллий тикланиш» газетасига 1995 йилнинг қолган ойлари учун обуна бўлдингизми? Обуна Ўзбекистоннинг барча алоқа бўлимларида давом этмоқда.

Газетамиз ҳар бир сонининг ўртача нархи 2,5-3 сўм ўртасида.

Сизнинг обунангиз газета учун мадад, ўзингиз учун эса туганмас руҳий озиқ бўлади.

Миллат фарзандлари ҳар доим умумий манфаат учун фикрлашиб туришлари керак. Ҳар кимнинг кўнгил тўрида асраб-авайлаб юрган дил сўзлари бўлади.

Биз бир-биримизга шундай сўзларимизни айтсак деймиз. Сизни миллий тикланиш гурунгларимизга астойдил таклиф этамиз.

Реклама, эълон ва эҳтиёжлар учун редакциянинг ҳисоб рақамини эълон қиламиз:

Ҳисоб рақамимиз: саноат қурилиш банкининг Тошкент бўлими: 000363009, МФО 172627328. «Миллий тикланиш» газетаси

Тикланиш: воқеалар, хабарлар

«ОСМОНДА НИМА ГАПЛАР...»

Август ойининг дастлабки ўн кунлигида Паркент туманининг сўлим Невич қишлоғи яқинидаги оромгоҳда Халқаро ёзги аэрокосмик мактабнинг навбатдаги — еттинчи машғулотлари бўлиб ўтди. Жумҳуриятимиз мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланган ушбу анжуманда вилоятларда ҳамда Тошкент шаҳрида ўтказилган турли танловларнинг ғолиблари бўлмиш элликка яқин ўқувчи, шунингдек Россия, Қозоғистон ва Покистондан меҳмонлар иштирок этишди.

Ўзбекистон коинотни тадқиқ этиш агентлиги, «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Камолот» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси, ўқувчилар техника ижодиёт маркази ҳамда ижодкор ёшларни қўллаш Улуғбек номидаги республика жамғармаси ушбу ўқув ташкилотчиларидандир. Унда бўлғуси фазогирларимиздан Солижон Шариповнинг ташриф буюриши айниқса тингловчиларни тўлқинлантириб юборди.

— Бугун самога ўзлари ясаган митти самолёт ва ракеталарини йўллаётган жажжи фарзандларимиз орасидан юртимиз донгини таратувчи фазогирлар етишиб чиқса, не ажаб, — дея ўз ҳаяжонини изҳор этди биз билан суҳбатда аэрокосмик мактабнинг илмий раҳбари академик Шавкат Воҳидов.

Ўқув сўнггида турли мусобақалар ғолибларига ҳомийларнинг қимматбаҳо соврин ва мукофотлари топширилди.

ПУЛ КЕРАКМИ—МАРҲАМАТ!

Ҳар қалай, биз ярим аср мобайнида аёвсиз койиб келган Мирзакаримбой ҳаққа ўхшайди — ҳар қанақасига ҳисоблансангиз ҳам хом ашёга нисбатан тайёр маҳсулот сотиш анча фойдали. Хусусан пахтачилик соҳасида.

Элимизнинг бўлғуси сармоядорларига яна бир имконият яратилди. Ўтган ҳафта мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банки сафига яна битта қўшилди: «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» негизида «Пахта-банк» таъсис этилди.

Хуллас, пахта заводи қуриш ёки тайёрини сотиб олиш ниятида юрган ишбилармон деҳқонлар бўлса, «Пахта-банк»га марҳамат қилаверишсин.

Г. МУРОДАЛИЕВА

Фикрлашайлик

КЕЧАГИ ЛИБОСЛАРНИНГ ЧОКИ

Мустақиллик йилларида бир ривоят анча машҳур бўлиб қолди. Эмишки, бир фил қозиққа занжирбанд қилинган экан. Ойлар, йиллар ўтибди. Занжир ейилиб, узилиб ҳам кетибди. Аммо фил ҳали-ҳануз қозиқ атрофида айланармиш, узоққа кетолмасмиш. Чунки эркинликдан ҳайиқар эмиш, хаёли занжирбанд экан, «қозиқ» миясидан кетмабди ҳали.

Кейинги пайтлар Ўзбекистон ойнаи жаҳонидан кўп нарсалар кутяпмиз. Яхши, жонли кўрсатувларни кўрганда, руҳимиз кўтарилиб кетади. Шу билан бирга ҳар куни, ҳар ҳафта «Мосфилм», «Ленфилм», «Одесса студияси»нинг ҳозирги демократик Россия ҳам воз кечган фильмлари тўхтовсиз намойиш қилинаётганини кўриб одам ўз кўзига ишонмайди. Булар шедевр бўлса гўрга-я, ўша-ўша «партсъездлар», «қизил комиссарлар»... Аввалги ҳафта Молдовадаги колхоз ҳақида телефилм беришди. Кўчма қизил байроқни ўпиб, пионерлар саф тортиб турибди. Мен филмни кўриб, шошиб кўчага чиқдим: «Яна аввалги замон қайтган бўлмасин?!» Йўқ, ҳайрият, йўл четидаги устунда мустақил Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турибди. «Шукур!» — деб, кўнглим ёзилди. Янаги ҳафта дастурини варақлашга тушдим. 14 август душанба куни «Офицерлар» бадиий фильми берилар экан. Ахир, бу филм Қизил Армия офицерлари династияси ҳақида: чарм камзулли бобоси «босмачи»ларни қиради, отаси «оқ»ларни сўяди, набираси ҳарбий бўлиб туғилади. Филм 60-йиллардан бери қўйилади. Шу набира кейин ўсиб мустақил афғон халқи бошига танк миниб бостириб борган бўлса, ажаб эмас. Мустақиллигимизга зид мафкурани тарғиб қилаётган бундай филмлар ҳозир кимга, нимага керак? Шу «чарм камзулли комиссарлар» халқимизнинг асл фарзандларини, Чўлпон, Фитрат, Қодирийларни отмадиларми, тирик бошоқларнинг барини қириб ташламадиларми? Нега яна уларга сажда қиляпмиз?

Бошқа давлатлар, ҳаттоки, «қизил салтанат» пойтахти Масков ҳам аллақачон ҳар икки гапнинг бирида: «Партиядан ўчирамиз, партия мажлисида муҳокама қиламиз!», — деб қўрқитишадиган бундай асарларни кўрсатмай қўйган. Мабодо, бирор-бир «буюк асар»ни намойиш қилса, олдиндан олимлар чиқиб огоҳлантиришади: «Азиз томошабин, ушбу асар биз учун улуғ актёрлар ўйнагани учун қадрлидир. Сиз саҳна маҳоратига эътибор қилинг. Унда тарғиб қилинган ғояларга эса биз қўшилолмаймиз...»

Ҳозир Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асари асосидаги видеофилм намойиш этилмоқда. Асар илк бор 1977 йилда «Октябр инқилобининг 60 йиллигига бағишлаб» кўрсатилган эди. Ойбек — улуғ ёзувчи. «Қутлуғ қон» — гўзал ёзилган асар. Лекин социалистик синфий низо руҳини акс эттиради. Аммо бугун уни такрор бераётиб, «мустақиллигимизнинг тўрт йиллигига» бағишлаш ўринлими? Буни қайси мантиқ билан исботлаймиз? Бугун биз мулкни хусусийлаштираётган, бойликка, мулкка нисбатан холис муносабатни тиклаётган, юртбошимиз бозор иқтисодига хос онгни шакллантириш ҳақида қайғураётган бир пайтда бундай талқин нечоғлик қовушади? Очиғини айтайлик, асарда «жадид»лар мазах қилинади. Яқинда Маҳмудхўжа Беҳбудий тўйини ўтказдик. Авлоний, Сўфизода, Мунаввар қори сингари мустақиллик фидойилари, буюк маърифатпарвар жадидлар асарларини кенг мутолаа қилишга киришдик. Шундай шароитда жадидларни коммунистларча масхара қилиш жойизми?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида «Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди», — деган эди. Ҳақ гап!

Кечаги пионер лагерлари ҳақида мултфилмлар кўрсатилаверса, «совет турмуш тарзи» тарғиб этилаверса, онг қандай озод бўлади? Мустақилликни қандай англаб етади?

Яна бир нарса ташвишлидир. Телевидениемизнинг тўрт дастуридан учтаси қардош ўрис тилида олиб борилянти. «Давлат тили тўғрисида» қонунга риоя қилиш ҳамма учун шарт. Ҳамма нарса меъёрида бўлсин, Ўзбекистонда яшаётганимизни сира унутмайлик. Телевидение давлатнинг энг кучли мафкуравий қуролидир. У халқ тўлаган солиқлардан маош, маблағ олади. Халқ эса ўз телевидениесини ҳалол, кучли кўришни истайди.

Мен бу гапларим билан ҳеч кимга ва айниқса, телевидениенинг заҳматкаш ходимларига таъна қилмоқчи, танқид тоши отмоқчи эмасман. Мен телевидениени яхши кўраман. У ҳам чин томоша, ҳам мураббий бўлишини истайман. Шу боис ўзим кузатган бу гапларни айтмай иложим йўқ. Келинг, фикрлашайлик: бизга бугун нима ярашади-ю, нима ярашмайди?

Президентимизнинг ҳаққли талабларини эслайлик: «Умуман олганда, Ўзбекистон телевидениеси ишини тубдан яхшилаш керак... Даққиюнусдан қолган «совет мафкураси»ни тарғиб этувчи эски киноларни, замонавий «ўлдир-ўлдир», беҳаё филмларни кўрсатавериш ҳам яхши оқибатларга олиб келмайди. Биз соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз керак». (И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтиомий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», Т., «Ўзбекистон», 1995 йил, 57-бет). Юртбошимиз шу жойдаёқ таъкидлайдики, гап фақат жисмоний соғломлик хусусидагина эмас, руҳий-маънавий камолот ҳақида ҳамдир.

Карим ҲАКИМ ЎҒЛИ

Куннинг муаммолари

ТЕСТ — ҲАММАМИЗ УЧУН СИНОВ

Маълумки, кейинги 3 йил орасида олий ва ўрта махсус таълим тизимида инқилобий ўзгаришлар юз берди. Тест тизимининг жорий қилиниши аввалига бирмунча довдиратиб, гангитиб қўйди. Биринчи йили бу янги, мураккаб тест усулини ташкил этишда қийинчиликлар ҳам рўй берди. Янги услубнинг оддий шартларини бажаришда хато қилиб, ўтолмай қолган истеъдодли даъвогарлар ҳам учради. Бироқ шу йилиёқ олий таълим тизимида тестнинг адолатли, илгариги услубдан тубдан афзаллиги катта-кичикка аён бўлди.

Иккинчи — 1994-1995 ўқув йилида бу борада маънавий потенциал ва техника жиҳатидан мустақил бўлиб олганимизда олий ўқув юрти ва тест маркази айрим собиқ ходимларининг хатоси туфайли «калит» балоси пайдо бўлди.

Тест маркази, олий таълим раҳбариятига кўп саволлар тушди. Зудлик билан чоралар кўрилди, тармоқ раҳбари янгиланди.

Республика халқ маорифи ва олий таълим вазирликлари тест маркази билан ҳамкорликда янада халқчил, ошкора танлов эълон қилдилар. «Маърифат» рўзномасининг бир неча махсус сонларида «Республика олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест синовлари» материаллари босилиб чиқди. Барча фанлардан имтиҳонда тушадиган саволлар халққа маълум бўлди.

Тест марказига нисбатан назоратни янада кучайтириш мақсадида илгаригидай 2 вариант эмас, балки бу йил уч вариантли, уларнинг бири «О» жумбоқ муқобилда бўлган тизим, тайинланди. Тест варақаси илгаригидек қаламда эмас, шарикли ручкада тўлдириладиган бўлди. Блоклардаги саволлар илгаригидай 48 эмас, 36 тага туширилди.

Шуни айтиш керакки, бу янгиликлардан кейин республикада сўнгги 3-4 ой ичида битирувчи синф ўқувчилари катта ишонч билан тест саволлари асосида билим қатламларига кириб, унинг тилсимларини оча бошладилар. Ёшларга муаллим-ўқитувчилар, олий ўқув юртларининг домлалари, турли репетиторлар, зиёли ота-оналар яқиндан ёрдам бердилар.

Имтиҳон ўз номи билан имтиҳон. У осон бўлмайди. Ҳатто 10 йил мактабда аъло ва яхши баҳоларда ўқиган бола ҳам тест учун мўлжалланган саволларга тўлиқ ва тўғри жавоб топа олиши енгил эмас. Мустақиллик замонида ижтимоий фанларнинг ҳаммаси, аниқ фанларнинг кўпчилиги ҳам янгидан шаклланиб келяпти. Илм-фан синов-имтиҳонлари кўпкарисига болалар билан бирга уларнинг ота-оналари, яқин қариндош-уруғлари тайёргарлик кўришди. Улар ақл ва савиялари етса, ўзлари, бўлмаса, ишончли репетиторлар ёллаб, қайтадан олий ўқув юртларига «ўқишга киришга» енг шимаришди. Бу йил бизнинг оиламиз ҳам қизимизни нотариус бўлиб хизмат қилишини орзулаб, юридик институтга йўл олдик.

Биз ҳужжат топширган куни 1 ўринга 7 даъвогар тўғри келган эди. Қолган 5 кун ичида яна шунчадан кўпроқ даъвогар бу факултетга ҳужжат топшириб, бир ўринга 16-17 нафардан абитуриент тўғри келди.

Кейинги бир ой қаттиқ тайёргарлик ичида ўтди. Биз каби ота-оналарнинг ва айрим одил тест тузувчиларининг талаб ва илтимоси билан бола учун мураккаб саналган, мактаб дастурига кирмаган, чалкаштирадиган саволлар тест вариантларидан олиб ташланди. (Буни биз республика халқ таълими вазири ва тест маркази раҳбарининг телевизорда чиқиб айтган гапларидан билдик).

1 август куни тонгдан Тошкентнинг машҳур «Сайилгоҳ» хиёбони одамга тўлди. Абитуриентлар, ота-оналар, домлалар, шунчаки томошабин қариндош-уруғлар... Икки тавақали дарвозани қия очиб, тумонат одамни ҳужжат текшириб, битта-битталаб ҳовлига киритадиган бўлишди.

Бу ҳол ярим соат давом этгач, ҳар қалай, абитуриентлар институт ҳовлисига кириб бордилар...

Ҳовлига кирган бир бола қўлида паспорти ва тест марказининг тўлдирилган икки ҳужжати билан қайтиб чиқди. Унинг исми-шарифи мавжуд рўйхатларда йўқ эмиш. Қабул комиссияси боланинг ҳужжатини олиб, қўлига тилхат ҳамда кириш гувоҳномаларини берса-ю, унинг фамилияси рўйхатларда бўлмаса. Қандайдир англишмовчилик рўй берган, энди уни аниқлагунча вақт ўтиб кетади...

Орадан бироз вақт ўтиб, ҳамма ёқ сув қуйгандек тинчиб қолди.

Ниҳоят, бирор соатлардан кейин бир бола тестни топшириб чиқди. Ота-оналар биринчи қалдирғочни ўраб олишиб, саволларга кўмиб ташлашди:

— Қайси вариант тушди?

— Қанчасини ечдинг?

— Саволлар газетаданми, ё нотаниши ҳам борми?

— Назорат қалай?

— Шпаргалкадан фойдаланганлар ҳам бўлдими?

Шу тахлит бизнинг қизимиз ҳам имтиҳонини топшириб чиқиб келди.

— Қалай бўлди?

— «О» варианти тушди. Биринчи партада ўтирдим.

— Саволлар оғирми-енгил?

— Газетадаги чалкаш, мураккаб саволларнинг кўпи йўқ. Содда, маълум саволлар.

— Тахминан қанча фоизини ечдинг?

— Билмадим. Саксон фоиздан оширгандирман. Уйда яхшилаб ҳисоб-китоб қилиб чиқамиз...

Уйга келгач, учаламиз тушган саволлар ва уларга берилган жавобларни рўйхат қилдик. Ҳомаки ҳисоб-китоб чиқардик.

Давоми иккинчи бетда

Фалсафий гурунг

МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ТАФАККУР

Пойтахтимиз кўчаларидан бирида юртбошимизнинг «Шу азиз ватан барчамизники, унинг учун ёниб, куйиб яшамоқ ҳар биримиз учун муқаддас бурчдир» мазмунидаги сўзларига ҳар сафар кўзим тушганда, Президентимизнинг маълум вақт муқаддам парламент минбаридан туриб ўртага ташлаган бир саволлари эсимга тушади. Миллий онг ва миллий ғururнинг биз учун ниҳоятда катта аҳамият касб этишини яна бир бор таъкидлаб, «инсоннинг миллий ғурур ва ифтихори бор ё йўқлигини аниқлаб берадиган бир машина борми ё шундай машинани яратса бўладими ўзи» саволини кўндаланг қўйгандилар. Жамиятнинг дунёқараши, феъл-атвори, онги, салоҳиятини пухта билган ҳолда кўтарилган бу масала тагида аслида улкан бир фалсафий мазмун ётгани аниқ. Агарда бу бир зумлик амалий вазифа бўлганда эди, Президент кўрсатмаларини сидқидилдан бажо келтиришни ўрнига қўйувчи ташкилотлар аллақачон шундай дастгоҳни ишлаб чиқишни ташкил қилган бўлардилар. Аммо бу, айтганимиздек, фалсафий масала. Фалсафа эса кўп нарсани, кўпроқ номоддийлик табиатидаги омилларни талаб қилади. Айтишларича, чет эллик раҳбарлардан бири билан «эски шаҳар» оралаб ўтишига тўғри келган юртбошимиз у ерлардаги аҳволни кўриб, бундай жойлар ҳали ҳам борми, бузиб халққа тегишли шарт-шароит яратиб беринглар, деб кўрсатма берган эканлар. 130 йиллик мустамлака ва шундан 70 йиллик совет даврида етим бола бўлиб келган «эски шаҳар» мустақиллик шарофати ва Президентимиз раҳбарлигида энди гўзал шаҳарга айланадиган бўлди. Бир неча ой ичида кўп ишлар қилинди, ҳали демай эски уйлар ўрнида ўзимизга мослари қад кўтаришига шубҳа йўқ.

Қаранг-а, қисқа вақт ичида «эски» бўлса ҳам ҳар ҳолда бутун бир шаҳарчани қайтадан қуришни эплаяпмизу, аммо юқорида қўйилган ва кўринишидан оддийга ўхшаш бир саволга жавоб берганимиз йўқ. Нима учун шундай? Бунинг сабаби нимада? Совет даврида ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг онгимизга сингиб кетганида, деб жавоб беришимиз мумкин, албатта. Тўғри, кўп йиллар давомида биз «кўрсатмалар подшоҳлиги»да яшаб келганмиз, ўша шарт-шароит қон-қонимизга сингиб кетган. Халқимиз «ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас» деб бежиз айтмаган. Аммо мустақилликка эришганимизга, яъни ўша «подшоҳлик» билан орани очиқ қилганимизга тўрт йил бўлди, ҳисоб. Ва бу вақт бекор ўтмади. Энг муҳими, ҳар қандай, жамият ижтимоий ҳаёти ва тафаккурини белгилаб берувчи иқтисодий муносабатларда тарихий ва инқилобий ўзгаришлар амалга оширилди. Яъни, мулкчиликнинг барча шакллари ривожи учун ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий шароитлар яратилди. Минглаб ватандошларимиз ривожланган мамлакатларга бориб, у ердаги ҳаётни кўриш ва турли саволларни хаёлдан ўтказиш имконига эга бўлдилар. Бунинг устига бу борада матбуот, телевидение, радио кўплаб тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бораяпти. Бироқ барибир мазкур саволга тўлақонли жавоб бериш қудрати унаётгани йўқ.

Балким бу бизнинг миллий нуқсонимизмикан, балким ҳамма айб ҳам ўтган маъмурий-буйруқбозлик тузумидамасдир. Бундай хулоса қилишимизга сабаб, айни тарбия кўрадиган болалик йилларимизда отамиздан кўп бор эшитган ва афтидан узоқ даврлардан қолган бир ривоят-насиҳатдан олган ҳиссамиздир. Бир киши гузарда болаларини калтаклаётганмишу дод-войга тумонат одам йиғилиб, ҳамма ҳайронмиш. Ўз фарзандларингизга бундай шафқатсиз бўлишингизнинг сабаби нимада, деб сўраганларида ҳалиги киши, болаларим айтганимни қиладилар-у, лекин айтмаганимни қилмайдилар, дея яна калтаклашда давом этаверибди. Таажжубга тушган халойиқ, ахир айтганингизни қилишса яхшимасми, деб турганида бир мўйсафид ўртага чиқиб, ўғлим, тўғри қиласиз, ураверинг, токи ўзлари билиб иш қилсинлар, деб масала моҳиятни ойдинлаштирган экан.

Ҳақиқатан ҳам, қаранг. Уй-жойимизни қачон оқлаймиз? Тўй бўлса. Ўтганларни қачон хотирлаймиз? Ҳайитда (ваҳоланки, ҳайит бу қадимдан шодлик байрами бўлиб келган). Ободончилик ишлари билан қачон шуғулланамиз? Хуллас, бундай савол-жавобни яна давом эттириш мумкин. Лекин бир нарса аниқ: биз бир миллат, бир халқ сифатида ўз тақдиримизни ўзимиз яратишимиз, фаровон ҳаёт, буюк давлат барпо этишдаги бош омил биз ўзимиз эканлигимизни англаб етмас эканмиз, ҳеч қачон шахсий ва умумий манфаатларимиз натижасини кўролмаймиз. Ўтган алломаларимиздан бирининг «халқ тўлқиндир, халқ қудратдир» сўзлари мазмуни ҳам шундан.

Телевидение, радио, матбуот орқали қуйидаги ҳолларни кўплаб учратиш мумкин. «Президентимизнинг фалон фармонларини бажариш йўлида шундай-шундай тадбирларни қилдик ё қилдим». Амалга оширилган тадбирларни кўрсангиз ғоятда хайрли, савобли, шахсга ҳам, умумга ҳам фойдали. Шунда кишида бир мантиқий савол туғилади: нима, агар фармон бўлмаса, шу хайрли тадбирни амалга оширмасдингизми? Агар савобли иш қилсангиз сизни биров уришадими? (Савобли ишни ҳар куни ва ҳар ким қилиши керак). Эътироз билдиришлари мумкин: фармон, қарор чиққанда уни амалга оширишнинг моддий-техникавий, молиявий, ҳуқуқий таъминоти бўлади, шунинг учун кўрсатмалар, буйруқлар керак. Тўғри, аммо фармонсиз ҳам амалга оширилиши керак ва хайрли бўлган ишлар оз эмас-ку.

Демак, биз буйруқ, кўрсатма орқали эмас, балки тафаккур ила яшамоқни ўрганмоғимиз керак, шундай хислатни ўзимизда тарбияламоғимиз лозим. Тафаккур дунё ва тарихда энг қудратлидир. Инсониятни шу даражагача етаклаб келган ҳам удир. Бандасини жазоламоқчи бўлса, худо уни ақлидан, яъни тафаккуридан маҳрум қилади, деб бежиз айтмаганлар. Худди шуни билган ҳолда совет тузуми халқлар тафаккурини «коммунистик ғоя» қолипига, занжирига солганди. 1991 йил 31 августда мазкур занжирни парчалаб ташлаган ҳам худди мана шу тафаккур қудрати бўлади. Худди мана шу тафаккур кучи билан биз тўрт йил ичида асрларга татигулик ишларни қила олдик. Чунки биз истиқлолга ишондик. Мустақил ва фаровон ҳаёт қуришга иймон келтирдик. Ишончу иймонни эса тафаккур туғдиради. Биз озод ва ҳур жамият барпо этиш йўлидан бормоқдамиз. Тафаккурли шахс ва жамиятгина озод бўлади. Тафаккурсизлик фанатизмга олиб келади. Тафаккур эгаси эса албатта миллатпарвар бўлади. Фикрлаш қобилияти албатта миллий ғурурни шакллантиради. Ҳам фикрли, ҳам миллий ғурурли кишининг эса бошқалардан битта афзаллиги бўлади. У жамият ҳаёти ё бирон соҳа ёки масалада рўй бераётган, умумманфаат ва миллат учун зарарли ҳодисаларга бефарқ қараб туролмайди. У ўз манфаатини унутиб бўлса ҳам бу ҳақда бонг уради, у доимо адолат ва ҳақиқат нуқтаи назаридан иш тутади ва сўзлайди. Биз бугунги шароитимизга объектив равишда тўғри келмовчи сўз эркинлигини эмас, балки фикр эркинлигини назарда тутмоқдамиз. Фикрловчи шахс тажовузкор, қизиққон бўлмайди. Том маънодаги, ҳақиқатан ҳам жамиятга хизмат қила оладиган сўз эркинлиги шароитига фақат фикр эркинлиги, устиворлиги орқалигина эришиш мумкин.

Демак, юртбошимиз ўртага ташлаган саволга жавоб оддий: инсоннинг миллий ғурури ва ифтихорини унинг ҳозирда бўлаётган тарихий ўзгаришларга муносабати орқали кўриш мумкин. Ўз ўрнида бундай муносабат эса шу шахснинг нечоғлик тафаккур эгаси эканлиги билан боғлиқдир. Тафаккур қилиш, фикр этиш қобилияти эса тарбияланади. Бизнинг шароитимизда бундай тарбиячи матбуот, телевидение ва радиодир. Агар биз ўзимиздаги гумонсирашлик, ҳадиксирашлик, кўпроқ қўрқоқликка ўхшаш ортиқча эҳтиёткорлик иллатларидан воз кечиб, ўз эркин фикримизни жамоатчиликка етказиб беришни эплолсак, турли ижтимоий табақаларни фикр эркинлиги гирдобига торта олсак, барча тўсиқларни енгиб ўта оламиз. Акс ҳолда эса бир қолипда фикрловчилар жамиятига айланиб, Президент таъбири билан айтганда, шамол қаёққа эсса, ўша ёққа қараб елаверамиз. Зеро, ўз фикрига эга бўлган шахс ва жамиятгина ўзлигини англай олади, мустақил бўлади.

Халқимиз «фалон одамнинг кўнглига худо фалон фикрни солибди», дейди. Қаранг-а, фикрни яратганнинг ўзи нозил қилади. Бу бир томондан табиий. Чунки фикрлаш фақат инсонга хос. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон билдираётган ҳақиқий фикрга биз ҳурмат билан қараб, уни бошқаларга етиб боришига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керакдир.

Азамат ЗИЁ

ҒАРБ КЕНГЛИК, ШАРҚ ТЕРАНЛИКДИР

Инсон яратилибдики, халқлар ҳеч қачон бир-бирида ажраган, ўз қобиғига беркинган ҳолда яшаган эмаслар. Инсоният эришган ҳаётнинг турли томонларидаги улкан ғалабалар фақат ҳамкорлик, бошқа халқлар ютуқларидан фойдаланиш, илғорларга етиб олиш ва ўзиб кетишга интилишнинг маҳсулидир. Бу ўринда Оврупо халқларининг бобокалонлари илк ўрта асрларда халқларнинг буюк силжиши жараёнида Шарқдан кетганлигини (охирги IX асрда кўчган халқ можарлар, ҳозирги венгрлар бўлди. Уларнинг қолдиғи ҳозир ҳам Жанубий Ўзбекистон ҳамда Орол бўйларида яшамоқда) эсдан чиқармаслигимиз лозим. Кейин Оврупо мамлакатларининг давлат тузуми ана шу кўчиб бориб, Рим империяси устидан ғалаба қозониб, Италия, Галлия, Британия, Испанияларда бот, лангобард, франк, олмон, хун халқлари томонидан ўрнатилган эди. Келган халқлар маданият жиҳатидан анча қолоқ бўлиб, оз вақт ичида исавия динини қабул қилдилар, ерли халқлар билан аралашиб кетдилар. Бу жараён натижасида Оврупо узоқ асрлар давомида ўта қолоқликни бошдан кечирди.

Шарқ халқлари, жумладан Мовароуннаҳр халқлари тарихида қитъа миқёсидаги бундай катта ўзгаришлар бўлмаган. Тўғри, минтақамизнинг жуғрофий жойлануви кўчманчи халқларнинг Шарқи-Шимолий ўлкалардан тез-тез босиб келиши тараққиёт жараёнини маълум даражада секинлаштирган, аммо бир неча асрга тўхтаган эмас. Минтақамизнинг араблар томонидан босиб олиниши иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётда дастлабки бир қанча қийинчиликларга олиб келган бўлса-да, кўп фурсат ўтмай Ғарбда Испаниядан, то Шарқда Хитой чегараларигача бўлган минтақани ўз ичига олган буюк давлат, Халифаликнинг бир қисми бўлганлигининг ижобий томонлари — майда давлатлар ўртасидаги низоларнинг бартараф этилиши, умумжаҳон савдо алоқасида иштирок этиш, ислом дунёсидаги халқлар билан тенг ҳуқуқли сифатида иқтисодий, маданий алоқада бўлиш, ислом таълимотига хос бўлган ижобий хусусиятларни ўзлаштириш кабилар иқтисодий, ижтимоий тараққиётни юқори даражага кўтарилишига олиб келди. Минтақамиз сомонийлар даврида сиёсий мустақилликка эришгач, маданият, илм-фан, фалсафа, адабиёт, санъат, мисли кўрилмаган даражага кўтарилди.

Эроншунос олим М. М. Дьяконов «Эрон маданиятининг асоси Шарқда яратилди. Бухоро (Хаср) ўрта аср маданиятининг дастлабки маркази эканлиги, у ерда яратилган адабиёт ҳозирги замон адабий форс тили асосини ташкил этувини эслашнинг ўзи фикримизнинг исботидир», — дейди.

Француз адабиётшуноси ва шоир Анрий Делюи эса: «Ўрта Осиёнинг шеърий анъаналари араб шарқи, кейинча араб — андалуз ва ғалисия — португал шеърияти орқали Ғарбий Оврупо тараққиётининг бошлиғи бўлган Провансга келди, уни трубадурлар ривож эттирди, бойитди ва кейинча ғазал Каталония, Сицилия, Бургундия ва Германия, Бавария, Австрияда минезингерлар ижодида намоён бўлди. Италиядаги «Янги ёқимли услуб» ғазал асосида шаклланди», дейди.

Ҳақиқатан, Оврупо ва умуман жаҳон адабиёти ривожи қонунияти ва йўналишини Шарқ адабиёти ва унинг таъсирини аниқламай туриб объектив баҳолаб ва тўғри тушуниб бўлмайди.

Мовароуннаҳрда фақат бадиий адабиёт шаклланибгина қолмай, илм-фаннинг турли соҳалари шунчалик ривож этдики, яқин вақтларгача халифалик давридаги араб фани сифатида оламга машҳур бўлди. Минтақамизда чиққан буюк олимлар Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ҳашба ал-Ҳосиб, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино кабилар асос солган табиий фанлар ва ижтимоий фалсафий тафаккур бошқа тарихий шароитда, Оврупо уйғониш даври яратган маънавий ютуқлар билан бойиган ҳолда, капиталистик ишлаб чиқариш алоқалари жорий этила бошлаган даврда Спиноза ва француз материалистлари таълимоти билан бойитилиб, классик фалсафанинг шаклланишига асос бўлди.

Ислом мамлакатлари халқлари маданияти шунчалик равнақ топишининг боиси юқорида айтганимиздек иқтисодий, сиёсий, ижтимоий сабаблар бўлса, иккинчи томондан ислом таълимотининг ўзи бўлди. Бу таълимотда дин ақидалари ва билим, илм-фан шунчалик чамбарчас боғланган эдики, бундай ҳолатни ҳеч қачон ва ҳеч қайси диний таълимотда учратмаймиз. Америкалик арабшунос, исломшунос олим Ф. Роузента «Билим тантанаси» рисоласида ўрта асрда «илм» сўзининг маъноси ва аҳамияти ҳақида шундай дейди: «... илм исломда устунлик қилувчи концепцияларнинг биридир, бу ҳолат ислом цивилизациясини ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан ажратиб туради. Ҳақиқатан, мусулмон тараққиётининг турли соҳаларини «илм» аниқлаб беради».

Ҳеч қайси динда билим олиш диндорлардан астойдил талаб қилинмайди. Исломда, ҳадисларда «ҳар бир муслим ва муслималар туғилишидан то боши гўрга киргунча илм олишга интилиш керак», ёки «гарчи Хитойда бўлса ҳам илм изла» деб Исломга эътиқод қўйган бандаларга қатъий кўрсатма берилади. Тўғри, «илм» деганда дунёвий билимлар эмас, балки диний ақидалар, Қуръон ва ҳадислар деб тушунмоқ керак, деб расмий талқин берилган. Аммо бу масалада ўз вақтида кўплаб баҳслар бўлиб, «илм»ни кенг маънода тушунувчилар кўпчиликни ташкил этган. Қандай бўлмасин, «илм» олишга астойдил ундаш ўз самарасини берди, ўрта аср мусулмон тараққиётини илм-фан ривожи масаласида ўта маҳсулдор этди. Натижада Ислом инсоният тарихига энг мустаҳкам ҳисса қўшди, илм ривожини ўша давр учун олий бўлган чўққига кўтарилишини таъминлади. Бу тараққиёт фақат Шарқ халқлари манфаатигина хизмат қилмай, умуминсоният тараққиёти ривожига хизмат қилди. Ўтмишнинг буюк мутафаккирлари ҳеч қачон тор қобиқдаги миллатпараст бўлмаганлар, улар инсониятга, асосан Ҳазрати Инсонга хизмат қилганлар. Ҳақиқатан ҳам амалда шундай бўлди. Шарқ олимлари яратган илм-фан, фалсафа Оврупога ўз таъсирини ўтказди, бу таълимотлар бошқа иқтисодий, ижтимоий шароитда янада ривож топди ва умуминсоний цивилизацияга хизмат қилди.

Шарқнинг Оврупога таъсири бу мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий тараққиёти ана шу таъсирни қабул қилишини тақозо қилди. Оврупо Шарқ илм-фани, фалсафаси ва адабиёти Овруподагига нисбатан рационалистик, реалистик ва умуман олганда диний ва феодализмга хос ақидалардан холи бўлган демократик руҳдаги маданият эканини тушуниб етгач, уни ўзлаштиришга киришди. Аммо, таъсир фақат илм-фан, адабиётдагина эмас, балки жамият ҳаётининг турли соҳалари, кундалик ҳаётнинг икир-чикирларигача, бўлди. Бу ҳақда проф. У. М. Уотт шундай дейди «Исломнинг Ғарбий Оврупога таъсири ўйлаганлардан анча ортиқ бўлди. Ислом ўзи эришган моддий маданият, техникавий кашфиётларни Ғарбий Оврупо билан фақатгина шериклашибгина, Оврупода илм-фан ва фалсафа ривожини рағбатлантирибгина қолмай, Оврупони ўзи ҳақида янгича тасаввурга эга қилди».

Хўп, ўрта асрларда минтақада шундай олий даражада ривож этган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт нима учун шундан сўнг инқирозга учради? Яқин ўтмишдаги расмий тарихшунослик бу саволга «ислом дини», «диний жаҳолат», «диний фанатизм», «ислом ақидаларига ўта берилиш» деб жавоб берган. Менинг шахсий фикрим бошқача:

Узоқ ўтмишдан буён Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қитъалараро карвон йўли, ҳозир «ипак йўли» деб аталган савдо йўли фақат савдо-сотиқни таъминлабгина қолмай, халқлар, минтақалар ўртасида ишлаб чиқариш, деҳқончилик, уй-жой қурилиши, оилавий ҳаёт, емиш-ичиш, илм-фан, адабиёт, санъат, қўйингки моддий ва маънавий ҳаётнинг бир минтақадаги ютуқларини бошқа минтақаларга истаб-истамай тарқатганлар. Савдо йўлининг марказида жойлашган Мовароуннаҳр унинг ҳамма ютуқларидан тўлиқ баҳраманд бўлган. Ипак йўлидан фойдаланувчилар минтақадан фақат йўл сифатида фойдаланмай, бу ерда фаол савдо, маданий алоқалар ўрнатганлар, бу ҳолат юртимизни иқтисодий, ижтимоий, маданий равнақини таъминлаган.

Султон Санжар давридан бошлаб салжуқий турклар (туркманлар) Византия империяси билан бир неча бор тўқнашиб Кичик Осиёнинг жанубидаги Коня ва бир нечта кичик шаҳарларни ишғол қилган эдилар. 1453 йилнинг 29 майида Меҳмет II Византиянинг асосий кучлари билан тўқнашувда империя пойтахти Константинополни ишғол этади.

Ушбу воқеанинг жаҳон халқлари, айниқса минтақамизда яшаган халқларнинг тарихий тақдири учун аҳамияти беқиёс бўлган. Ғолиблар Ўрта Ер денгизи билан Қора денгизни бирлаштирувчи, Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдони таъминловчи денгиз йўли Босфордан савдо кемалари юришини тўхтатадилар. Натижада 10-15 йил мобайнида «Ипак йўли»нинг энг қулай маршрути ёпилади. Эндиликда Оврупо мамлакатлари Ҳиндистон, Хитой ва умуман Шарқ мамлакатларига элтувчи денгиз йўлларини ахтаришга киришадилар. Натижада фавқулодда равишда янги қитъа — Америка кашф этилади, Васко де Гама 1497 — 1499 йилларда Ҳиндистонга океан йўлини очади.

Оврупо мамлакатларида бу кашфиётлар айниқса кемачилик техника, жуғрофия фанлари, умуман амалий илм-фаннинг кенг тарқалиши, тезликда ўсишига даъват этади. Натижада Оврупо мамлакатлари илмий-техник тараққиётни жадаллик билан амалга оширишга киришади.

Овруподан фарқли ўлароқ Мовароуннаҳр халқлари тараққиётида аста-секин орқага кетиш рўй берди. Жаҳон савдо йўли фаолиятининг сусайиши ва тўхташига, минтақада ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо алоқаларининг заифланиши ва, ниҳоят, иқтисодий инқирозга олиб келди. Иқтисодий қолоқлик ўз навбатида маданий орқада қолишга сабаб бўлди. Натижада антик даврида қадимий Юнонистон, Рим, Эронга, ўрта асрларда Оврупо ва Яқин Шарққа ўз таъсирини ўтказган Мовароуннаҳр жуғрофий жиҳатдан оралиқда, асосий қитъалараро денгиз йўлларидан узоқда қолиб, умуминсоний алоқалар, тараққиётдан четланди. Ўз қобиғига ўралиб, бошқа халқлардан узилган минтақамиз халқлари илм-фан, айниқса амалий илмдан орқада қолди ва кейинчалик нисбатан осонлик билан Россия томонидан босиб олинди.

Аммо бу орқада қолиш умуман маданиятсизликка олиб келмади. Агар Ғарбий Оврупо фан ва техника ривожининг олий даражасига кўтарилган бўлса, шарқ мамлакатлари халқлари инсон қалбини, руҳий ҳаёт қонуниятларини ўрганишда юқори даражага кўтарилдилар. Рус адиби С. В. Стульгинский «Ғарб — оқил, Шарқ — донишманд, Ғарб — кенглик, Шарқ — теранлик, Ғарб — ҳаракат билан яшаган, Шарқ эса орзу-умид билан. Хаёл, умиддан афсоналар туғилади, кейинчалик халқ афсоналаридан фалсафий системалар шаклланади. Халқ афсоналари фалсафаларнинг манбаидир. Агар Ғарбнинг атоқли одамлари фаоллар бўлсалар, Шарқда эса улар файласуфлардир. Олимлар Шарқ афсоналарида нафақат чуқур фалсафий системалар, балки ҳамма фалсафий оқимлар, Ҳинд — Оврупо мифологиясининг ибтидосини топдилар. Ғарбга нисбатан бир неча асрлар аввал Шарқда ер юзасидаги ҳамма жонзотларнинг эволюцияси ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилди», деб ҳақиқатни тан олади.

Сўнгги даврларда инсониятнинг илғор вакиллари ҳам Ғарб, ҳам Шарқликлар келажак тараққиётини ҳар иккала — Шарқ ва Ғарбликларнинг ютуқлари, Ғарбликларнинг амалиёти, фан, техника ютуқлари Шарқликларнинг ўткир мушоҳадаси; Ғарбликларнинг фаоллиги Шарқликларнинг маънавияти, руҳиятини яхши англаб билиши билан бойитилса, инсоният ҳақиқий тараққиётга эришуви мумкин эканлигини англаб етмоқдалар.

Фозила СУЛАЙМОНОВА,
филология фанлари доктори

Тарих — ибрат

ВАТАН ТАРИХИНИ ҚАНДАЙ ЎРГАНАМИЗ?

Ўзбекистон Республикасининг матбуот саҳифаларида сўнгги пайтда Она-Ватан тарихини ўрганиш ва ўқитиш билан боғлиқ муаммолар атрофлича ва кенг муҳокама қилинмоқда. Бу тушунарли ҳол албатта. Чунки илгари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани сингари мактаб, маориф ва таълим билан боғлиқ масалаларда ҳам, шу жумладан Ватан тарихи фанини ўрганиш ва ўқитиш борасида — биз кўп ўйламас эдик, бу тўғрида биз учун «бош қотирадиганлар» бор эди. Қизил империя вакиллари бизга тайёр дастурлар, буйруқлар ёзиб бериб, нимани буюрсалар шуни қилар эдик, нимани ўқит десалар, шуни ўқитар эдик. Энди эса вазият ўзгарди!

Ўзбекистонимизнинг давлат мустақиллиги шарофати туфайли бу «ташвишлар» ўзимизга ўтди. Жумҳуриятимиз мустақиллигини таъминлаш, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг келажаги учун қандай мутахассислар керак, фаннинг қайси тармоқларини кўпроқ ривожлантириш зарур — буларнинг барини ўзимиз мустақил ҳал қилишимизга тўғри келади. Чунки бундан ўзимиз манфаатдормиз.

Шундай қилиб, Ватан тарихи фани мустақиллик билан бирга туғилди. У давлатчилик тарихимиз, умуман ҳудудимиз ва минтақамизни жаҳон тарихи билан узвий алоқада ўрганади ва талаба-ёшларга шу йўналишда таълим-тарбия беради.

Ўзбекистон тарихи умумтаълим мактабларида катта дастурда ўқитилади. Ахир келажагимиз яратувчилари Она-Ватан ва унинг тарихини, аждодларимиз, бобокалонларимиз ҳаётлари, расм-русумлари, анъаналарини билиш орқалигина меҳр-муҳаббат қўйиб, садоқатли, ватанпарвар ва миллатпарварлик руҳларини ўзларида мужассамлаштирадилар.

Ватан тарихини ўрганиш ва ўқитишни яхшилаш масалалари бўйича жон куйдириб фикр-мулоҳаза билдираётганлар ҳам, билиб-билмасдан миллий манфаатларимизга қарама-қарши йўл-усулни илгари сураётганлар ҳам бор.

Бизнинг шахсий кузатишларимизга, кўра тарихимизга нописанд, ўгай кўз билан қараш қуйидагиларда ўз аксини топмоқда: Аввало, иқтисодчи, тилчи-муҳандис, математик ёки тиббиёт ходими ва ҳоказоларга «Ўзбекистон тарихи»нинг нима кераги бор? Улар ўз касб-ҳунарлари билан боғлиқ фанларни ўрганишса етарли эмасми? — дейишади. Уларнинг фикрича, «Ўзбекистон тарихи» фани — мактаб фани. Шу боисдан бу фанни олий ўқув даргоҳларида яна қайтадан ўқитишнинг ҳожати йўқ...

Бу каби фикр-мулоҳазаларда қандайдир мантиқ бор-у, лекин жуда заиф.

БИРИНЧИДАН, Ватан тарихини билиш ҳунаридан қатъий назар ҳар бир мутахассис учун шарт. Яқин ўтмишда зиёлиларимизнинг маълум бир қисми онгида «Ватан», «Миллат», «Она-Ватан тарихи», «Тили», «Ахлоқи», «Дини» каби тушунчалар анчайин сўниб, улардан бегоналашув кучайди. Бу борада христиан илоҳиётчиси Августин айтганидек, «абадий уйқуга» чўмганлар пайдо бўлди. Эндиликда яна Августинга мурожаат қилиб айтадиган бўлсак, ғафлатда ётганларни уйғотиш вақти аллақачон етди.

ИККИНЧИДАН, «Ўзбекистон тарихи» фанининг мактаб фани эканлигига келсак, олий ўқув юртларида ўқитилаётган деярлик барча фанлар мактабларда ўқитилмайдими? Ахир мактаб билан Олий ўқув юртларидаги ўқув-услубий ҳамда ўқувчилар ва талабаларнинг ёшларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш дидактикасининг бир-биридан фарқ қилишини наҳотки тушунмасак?

«Ўзбекистон тарихи» фани учун ажратилган умумий ўқув соатларида «Ўзбекистонда сиёсий партиялар тарихи», иқтисодиёт олий ўқув юртларида «Ўзбекистоннинг иқтисодий тарихи», маданият олий ўқув юртларида «Ўзбекистоннинг маданият тарихи», техника олийгоҳларида «Фан ва техника тарихи» ва бошқа махсус курслар ташкил қилиниши мумкин.

Бунда Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ҳаммамиз учун ибратлидир: «Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас». Ватанпарварлик, фуқаролар якдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётганлигининг негизидир.

Том маънодаги ватанпарварликни Ўзбекистон тарихисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бу борада бирорта фан «Ўзбекистон тарихи» фани билан рақобатлашолмайди. Ҳақиқий ватанпарварлик, юрт ва миллатга содиқлик атоқли шоир Самад Вурғуннинг қуйидаги сатрларида ўз ифодасини топган:

Ватан, сендан тонар бўлсам,
Насибам оҳу зор ўлсун.
Баҳорим кузга айлансин,
Чечаксиз бир диёр ўлсун.
Чаманзорим, боғу-боғчам,
Тўкилсин бари — хор ўлсун,
Мозорим ўт олиб ёнсун,
Бу ишқим ошкор ўлсун,
Ватан, сендан тонар бўлсам...

Шундай экан, Ватан тарихини ўрганамизми ёки бошқа тарихни ўрганамизми, деган муаммоларни бир чеккага суриб қўйиб, ортиқча эҳтиросларга берилмайлик-да, мустақил Ўзбекистоннинг фарзандлари сифатида қуйидаги масалаларни ҳал қилишда барча куч ҳамда имкониятларни бирлаштириб ишга солайлик:

«Ўзбекистон тарихи» фанини яратиш ва ўқитиш бўйича 1995-2000 йилларга мўлжалланган ўқув дарслигини ишлаб чиқиш лозим. Бу ишга республика Фанлар Академиясининг Тарих, Археология, Шарқшунослик, Абадиётшунослик, Марказий Осиё институтлари, Олий таълим, Халқ таълими, Маданият вазирликлари, олий ва ўрта мактаблар ўқитувчилари бош қўшишлари керак бўлади.

Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртларининг илмий кенгашларига мустақиллик ҳуқуқи берилган. Бунда олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш сифатига ижобий таъсир кўрсатишни ҳам кузатилган эди. Лекин амалда ҳамма ҳолларда ҳам шундай эмас. Чамаси, ижтимоий-гуманитар фанларни қандай (шу жумладан «Ўзбекистон тарихи» фанини ҳам) ўқитишни, уларга ажратиладиган ўқув соатлари миқдорини бу фанлардан узоқ кишилар эмас, аксинча, уларнинг юксак малакали ўз мутахассислари белгилашлари керак. Шунда Она-Ватан тарихи тақдирини бу фанлардан бехабар ва унинг моҳиятини мутлақо тушунмайдиган шахслар ҳал қилишидан қутулган бўламиз.

«Ўзбекистон тарихи» фанига 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кўрсатмаси билан ажратилган ўқув соатларига шу пайтгача олий ўқув юртларининг аксариятида амал қилинмайди. Мазкур хатда белгиланганига бўйича тиббиёт олий ўқув юртларида 136 соат; гуманитар олий ўқув юртларида 170 соат; университетлар ҳамда педагогика олий ўқув юртларининг тарих факултетлари учун 210 соат ажратилган эди. Амалда-чи? Масалан, иқтисодчи мутахассислар тайёрлайдиган бир хил йўналишдаги — Тошкент молия олийгоҳида «Ўзбекистон тарихи» фанига 140 соат, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида эса бор-йўғи 72 соат ажратилган, холос!

Соатларнинг бажарилишини қатъийлаштириш ҳамда барча олий ўқув юртларида 1995-96 ўқув йилидан бошлаб абитуриентлар учун «Ўзбекистон тарихи» фанидан кириш имтиҳонлари олишни йўлга қўйиш ва бу фанни давлат имтиҳонлари рўйхатига киритиш устида мутасадди вазирликлар ўйлаб кўрсалар, деб умид билдирамиз.

Она тарихимизнинг атама номи масаласида ҳам баъзи фикр-мулоҳазаларимизни изҳор қилмоқчимиз. Чунки шу кунга қадар матбуотда эълон қилинган Она тарихимизга оид адабиётлар ва қўлланмалар нене номлар билан аталмади дейсиз: «Ўзбекистон ССР тарихи», «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Жаҳон сиёсий тарихи» ва ҳоказо. Аслида буларнинг бирортаси ҳам она тарихимизнинг том маънодаги номини ифода эта олмайди. Назаримизда эндиликда «Ўзбекистон тарихи» деган ном давлатни, унинг мустақиллигини, истиқболини яхши ва тўла ифодалайди.

Лекин қадим-қадимдан илдизи ва ўзаги бир бўлган ягона Турон замин — Туркистон халқларини собиқ СССР бўлиб ташлади. 1917 йилги тўнтаришгача бўлган Туронзамин халқларининг тарихи бу — муштарак тарихдир. Шундай экан, фанимиз «Ватан тарихи» бўлсин-у, бироқ Марказий Осиё тарихини ҳам ўрганиш лозимлигини, яъни «Туркистон — умумий уйимиз» эканлигини бир зум ҳам унутмайлик.

Хулоса шуки, ўз жонажон Она тарихимизни ёш авлодларга чуқур ва атрофлича ўргатиш асосидагина уларни Ўзбекистонни қалб қўри билан севадиган, унинг мустақиллиги учун керак бўлса жонини ҳам аямайдиган ватанпарвар қилиб тарбиялаб етиштира оламиз.

Карим НОРМАТОВ, тарих фанлари доктори, профессор,
Шоди КАРИМОВ, тарих фанлари номзоди, профессор

Куннинг муаммолари

ТЕСТ — ҲАММАМИЗ УЧУН СИНОВ

Боши биринчи бетда.

Умуман, блок (ўрами) бўйича икки факултет танлови қўшиб ҳисобланганда қарийб 20 та даъвогар тенгдошидан биринчиликни эгаллай олармикин? Буларни 10 кун ичида маълум бўладиган тест маркази натижалари кўрсатади.

Тест имтиҳонлари муносабати билан мен айрим мулоҳазаларимни айтиб ўтсам девдим:

Биринчидан, юқорида ҳам қисман айтганимдек, бу йил абитуриентлар, ота-она, яхши муаллим-репетитор, мактабларнинг фидойи ўқитувчилари қаттиқ тайёргарлик кўришди. Энди кимнинг маънавий ҳамда билим қуввати юқори бўлса, ўша енгиб чиқади.

Иккинчидан, Ватан тарихи, адабиёти, она тили сўнгги 3-4 ойлардагичалик даражада оммавий тарзда, чуқур, батафсил, кенг ўрганилмаган эди. Бу жараён миллат тарихида катта ижобий ҳодисанинг дебочаси бўлиб қолса ажаб эмас.

Учинчидан, тест имтиҳонлари баҳонаю сабаб, муаллим ва ўқитувчиларнинг ўзига танқидий қарайдиганлари камчиликларини тузатишга, билим бўшлиқларини тўлдиришга киришдилар.

Тўртинчидан, замон, давлат, миллат онгининг ўзгарганлиги, мутлақо янги шароитда таркиб топаётганлиги катта-кичикка баравар ошкор бўлди. Бир неча тил билиш, компютер ҳисоби ва бозор иқтисодиёти шароитида баравар қадам ташлаган ҳолда ҳам бир инсон ўз-ўзини янгилаб олиши маълум бўлиб қолди.

Бешинчидан, турли фанлар бўйича тузилган дарслик-қўлланмалар қанчалик ҳаётийлиги, услубий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги даражаси аён бўлди.

«Ўзбекистон халқлари тарихи» 2 жилдлик китоб янги яратилажак дарсликка хом ашё асарлиги маълум бўлди. Қомус ва русчадан таржима қилинган китоб ва мақолалар қўшимча маълумотлар вазифасини ўтади.

Ўзбек тилидан ҳали ҳам эски-5-6, 7-8-синфлар дарсликлари далил ва мисолларининг аниқлиги билан афзаллиги, адабиётдан ҳозирги кун талабига жавоб бера оладиган китоблар ёзиб улгурилмаганлиги кўриниб қолди.

Хулоса қилиб айтганда, бу йил тест синовлари асосида олинган имтиҳонлар ўзбек халқи маънавияти юксалишига тағин бир туртки бўлди. Бу эса яхшиликдан, ёруғ истиқболдан далолатдир.

М. ҒАФФОРОВ

ИСТИҚЛОЛ ГУЛЛАРИ

Ҳамидулла Дадабоев

ТЕМУРБЕКНИНГ ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Тарихий манбаларда — келтирилган маълумотларга қараганда, отлиқ аскарлар Темурбек қўшинининг зарбдор қисми ҳисобланган, улар оғир ва енгил қуроллар билан қуролланган суворий гуруҳларга бўлинган. Ёй, садоқ ва қилич билан енгил қуролланган отлиқлар асосан разведка ва соқчилик билан шуғулланган, ўта зарур чоғдагина душман кучлари билан жанг қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Дубулға, зириҳ (совут), қилич, ёй, садоқ, қалқон ва найза билан таъминланган оғир қуролли суворийлар сара жангчилардан тузилган, ғанимнинг асосий зарбасига қарши турган, жанг натижасини ҳал этишда катта рол ўйнаган.

Юришга жўнашдан олдин Темурбек аркони давлат, вазирлар, саркардалар, беклар, амирларни ҳарбий кенгаш-машваратга чорлаган. Айни чоғда улуснинг турли вилоят ва туманларидан шунингдек, тобе юртлардан қўшин тўплаш учун махсус буйруқ-тунқал эълон қилинган. Фармон керакли жойларга юқори мансаб эгаси, бош қўмондоннинг адъютанти-тавачи томонидан тезлик билан етказилган. Тавачининг зиммасига аскар жамлашдан ташқари қўшин қисмларининг қароргоҳ ёки сафардаги ўрни, жанговар тартиб — ясоли ҳамда бир жойдан иккинчи жойга кўчишини назорат қилиш ҳам юклатилган эди.

Тунқалга биноан вилоят ҳокимлари, туман ёки шаҳар беклари, қалъа, қўрғон доруғаларининг Темурбек томонидан тузилган рўйхатсонга мувофиқ ўз жангчилари зарур от улови, қурол-яроғи, озиқ-овқати, ем-хашаги билан белгилаб қўйилган тўпланиш ўрни—миод ерига ўз вақтида кечикмасдан етиб келиши шарт ҳисобланган.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишига кўра, Темурбек Дашти Қипчоққа қилинган юриш (1390-1391) олдидан қўшинни бир йилга етадиган озиқ-овқат, қурол-яроғ, кийим-кечак ва бошқа сафар учун зарур ашёлар билан таъминлашни ўз ноибларига буюрган. Ҳар бир суворийга битта ёй, 30 та ўқ, бир садоқ, бир қалқон ва битта қўшимча от ажратилган. Юриш вақтида ҳар ўнг жангчи бир чодир, икки белкурак, бир керки, бир ўроқ, бир арра, бир теша, бир болта, 100 дона нина олган.

Абдураззоқ Самарқандий ҳар бир жангчининг шунингдек ярим ман оғирлигида арқон, бир дона пишиқ тери ва битта қозон олиб келиши лозим бўлганлигини қайд этади.

«Темур тузуклари»да таъкидланишича, сафар чоғида оддий аскарларнинг ҳар ўн саккизтасига битта чодир берилган. Ҳар бир жангчи иккита от, ўқ ёй, совут, қилич, жуволдўз, қоп, ўнта нина, арра ва тери халта (чанач)га эга бўлган.

Сара жангчиларнинг ҳар бештаси бир чодирга жойлашган. Уларнинг ҳар биттаси дубулға, совут, қилич, ўқ ёй, садоқ ва буйруқда кўрсатилган миқдорда от билан таъминланган.

Ўнбегининг алоҳида чодири бўлган. У совут, қилич, ўқ-ёй, садоқ билан қуролланган ва бешта қўшимча от олиш ҳуқуқига эга бўлган. Юзбегининг ҳам алоҳида чодири бўлган. Унинг қурол-яроғи қилич, ўқ-ёй, совут, садоқ, гурзи, ойболтадан иборат бўлган. Унга ўнта қўшимча от берилган.

Мингбеги чодирдан ташқари соябон билан ҳам таъмин этилган. Дубулға, зириҳ (чаҳорийна), совут, найза, қилич, садоқ ва ўқ сингари ранг-баранг қурол турлари билан қуролланган. Пиёда аскарлар асосан қилич, камон ва керакли миқдордаги ўқ билан сафарга чиққан.

Миод ерида олий бош қўмондоннинг боргоҳи тикилган ва у турли рангдаги туғ ҳамда байроқлар билан безатилган. Белгиланган вақтда (миод вақти) лашкаргоҳга етиб келган аскарлар қатъий тартиб ва интизом билан ўз бўлжар (позиция)ларини эгаллаган ҳамда юриш олдидан ўтказилажак анъанавий ҳарбий кўрикка пухта тайёргарлик кўра бошлаган.

Соҳибқирон юриш пайтида тажрибали сипоҳийларга катта ишонч билдирган. Кўп маротабали сўқишларда суяги қотган, урушни ўзининг бош машғулоти деб санаган жангчилар сафар бошлашидан аввал жам қилинган, улар кирим-чиқим дафтарига шунингдек давлатдан маош-улуфа, озиқ-овқат, ем-хашак олувчилар рўйхатига киритилган. Тузилишига кўра Темурбек армияси турк-мўғул халқлари учун анъанавий бўлган ўн, юз, минг ва туманларга тақсимланган. Уларга ўнбеги, юзбеги, мингбеги ва туманбегилар сардорлик қилган. «Темур тузуклари»да қайд қилинишича, қўшин қўмондонлари сафига Темурбек олийҳиммат, оқил, мард,тадбиркор, сезгир, журъатли, саботли, ҳарб ишига жон-дилини бағишланган истеъдодли шахсларни жалб этиш масаласига катта эътибор берган. Ҳар бир бек ёки амир ўз ноиби ўринбосарига эга бўлган. Бирор бек ёки амир ҳаётдан кўз юмган тақдирда ноиби унинг ўрнини эгаллаган.

Руи Гонсалес де Клавихонинг гувоҳлик беришича, қўшин тўплаш тўғрисида фармони олий эълон қилиниши билан аскарлар ўз оиласи, асбоб-анжоми, мол-мулки билан миод ерига етиб келган. Мавжуд бўлган от, қўй, ёки туясини лашкар таъминоти учун ажратган. Ўрдугоҳдаги соҳибқироннинг саропардаси атрофида ҳар бир қисм ва бўлинмаларнинг чодирлари тикилган. Оддий аскардан йирик саркардагача ҳар ким ўз жойлашиш ўрнини аниқ билган. Барча ишлар тартиб-интизом билан, шовқин-суронсиз бажарилган. Қўшин билан бирга қассоблар, бакавуллар, қовирилган ва пиширилган гўшт билан савдо қилувчилар, арпа ва мева сотувчилар, нонвойлар ҳам кўчиб юрган. Турли касб эгалари аскарларга хизмат кўрсатганлар. Ҳатто кўчма ҳаммомлар ҳам жангчилар хизматида бўлган.

Темурбек танлаб олган саркардалар ўзларининг ҳарбий маҳоратларини нафақат уруш кезларида, балки тинч меҳнат чоғида ҳам намойиш этишга тинмай ҳаракат қилар эдилар.

Ҳарбий санъатнинг ўзига хос сир-асрорларидан тўла воқиф бўлган, душман сафларини пароканда қилиш йўл-йўриқларини яхши эгаллаган, мушкул вазиятларда дадил ва тез ҳаракат қиладиган, ҳеч қандай тўсиқлардан тап тортмайдиган, қўшин сафида содир бўлиши эҳтимолдан холи топилмаган тартибсизликларни ўз вақтида бартараф эта оладиган истеъдод эгаларигина Темур томонидан лашкарбошиликка қўйилган.

Темурбекнинг фармойишга биноан атоқли лашкарбошилардан тўрттаси биринчи даражали саркарда, яъни бегларбеги мансабига тайинланган. Донгдор амирлардан бирига амирул-умаро лавозими берилган ва у олий бош қўмондон, яъни Темурбекнинг ноиби вазифасини адо этган. Соҳибқирон бевосита иштирок этмаган уруш ва жангларда амирул-умаро қўшинга қўмондонлик қилган.

Зикр этилганлардан ташқари қўшин қўмондонлигига яна ўн икки бек жалб этилган. Минг кишидан иборат суворийларга биринчи бек, икки минг отлиқлардан ташкил қилинган гуруҳга иккинчи бек, уч минг отлиқли фавжга учинчи бек ва шу тартибда ўн икки минг отлиқ аскарлардан тузилган қўшинга ўн иккинчи бек сардорлик қилган. Қуйи поғонада турган қўмондон ўзидан юқори лавозимни эгаллаб турувчи саркардага бўйсунган.

Темурбек армиясининг турли қисм ва бўлинмаларига уч юз ўн уч бек бошчилик қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўн бегилик, иккинчи юзтаси юзбегилик, учинчи юзтаси эса мингбегилик рутбаларини эгаллаган. Туманларга соҳибқироннинг фарзандлари, набиралари ҳамда амир Шайх Нуруддин, амир Ҳожи Сайфуддин, амир Шоҳмалик, амир Аллоҳдод, амир Жаҳоншоҳ сингари номдор лашкарбошилар раҳбарлик қилган.

Темурбек қўмондонлар таркибининг ҳарб ишидан талаб даражасида маҳорат ва малакага эга бўлган шахслардан шаклланишига алоҳида диққат қилган.

Жангларда қаҳрамонлик ва мардлик намуналари кўрсатган сара жангчилар муносиб равишда тақдирланиб ўнбеги, такрор жанговор хизматлари эвазига юзбеги ва ниҳоят, мингбеги амалига кўтарилиш имкониятига эга бўлган.

Ёвнинг аскарий гуруҳини тор-мор этган мингбеги биринчи даражали амир унвонига, йирик душман қисмини мағлуб этган биринчи даражали амир ўз навбатида иккинчи даражали амир мансабига ва шу йўсунда ўзга бек ҳамда амирлар юқорироқ ҳарбий мартабага кўтарилиб борган. Жанггоҳда мардлик ва мардоналик додини берган оддий жангчиларнинг маоши оширилган. Баъзи сабабларга кўра жанг майдонини ташлаб қочган аскарлар ўлжа тақсимотида иштирок этишдан маҳрум қилинган. Муҳорабадан ярадор бўлиб қайтган шахсларнинг иззат-ҳурмати жойига қўйилган, уларга онҳазратнинг марҳамати кўрсатилган.

Бирор кишварни фатҳ қилган ёки ғаним армиясини мағлубиятга учратган саркарда учун уч хил мукофот таъсис этилган, яъни шарафли «баҳодир» унвони ҳамда туғ ва ноғора берилган. Айни шундай юксак мукофот билан мухолифатчи тараф тахт ворислари раҳномалигидаги қўшинни паришонликка солган амир ёки бекнинг ҳам шавкати зиёда қилинган.

Жангу жадал чоғида шижоат кўрсатиб душман гуруҳини қочиришга муяссар бўлган ўнбеги шаҳар доруғаси, юзбеги эса вилоят ҳокими вазифасига тайинланган. Муқоталада адув ҳашамлари устидан зафар қучган мингбеги вилоят волийси мансаби билан тақдирланган.

Бирор мамлакат ёки юртни эгаллаган амирга ўша ерлар маълум шарт ва имтиёзлар асосида бошқарилиш учун суюрғал тарзида иноят қилинган. Темурбек ва темурийлар даврида суюрғал кенг тарқалган феодал ер эгалиги турларидан бири бўлиб, наслдан наслга ўтган. Суюрғал эгаси давлат ҳисобига тўланиши зарур бўлган солиқлардан озод қилинган. Бундай суюрғал тури «дарбаста суюрғал» деб юритилган.

Темурбек тарбиялаб вояга етказган атоқли саркардалар қаторидан амир Ғиёсуддин Шоҳмаликнинг ҳам ўрин олганлиги тарихдан маълум. Соҳибқирон Шоҳмаликнинг келажакда йирик лашкарбоши бўлиб етишиши мумкинлигини мушоҳада қилади ва уни бевосита ўзи тарбиялашга майл кўрсатади. Темурбекнинг меҳнати зое кетмайди, Шоҳмалик тадбиркор улуғ беклардан бири бўлиб шаклланади. У ҳазрат соҳибқиронга муносиб хизматлар кўрсатиб олий даража ва мансабга эришади. Темурбекнинг Шоҳмаликка нисбатан инояти жуда юқори бўлган. Абдураззоқ Самарқандийнинг таъкидлашича, «қайси бир мамлакат фатҳ қилинса ва у мамлакатдаги қайси бир қишлоқни Шоҳмалик ихтиёр қилса, у қишлоқ унинг суюрғали бўлади», — деб буюрган эди. Ҳаёти муддатида унинг суюрғали узликсиз кўпайиб борди. Шоҳмалик ўзига тегишли мулкларда мадрасалар, хонақоҳлар, масжидлар, работлар ва ҳовузлардан иборат кўп хайрли иморат-қурилишларни ёдгор қолдирди. Шоҳруҳ мирзо даврида Хоразм вилояти Шоҳмаликка дарбаста суюрғал қилиб тайинланади «ва у Хоразм мулкида осойишта ҳаётни шу даражаға етказдики, дунё саркашлари ҳам Ўзбек вилоятларию Дашти Қипчоқ мутакаббирларини эл қилиб итоатга келтирди». Шоҳмалик 1426 йили вафот этгач, Шоҳруҳ мирзо улуғ амирнинг суюрғали бўлган Хоразмни идора қилишни унинг фарзанди Иброҳим Султонга топширади.

Довюрак паҳлавонлар ҳарбларда кўрсатган жасоратлари учун баланд даражага эришиб, баобрў кишилар қаторидан ўрин олган. Улар паҳлавонлик нишонлари билан эъзозланган. Ботирларнинг кўпчилиги кейинчалик ўнлик, юзлик, мингликларга қўмондонлик қилишдек масъулиятли вазифаларга қўйилган.

Юқорида тилга олинган ўн икки амирдан ҳар бири ўз довул (табл) ва байроғига эга бўлган. Бош қўмондон ноғора ҳамда аламдан ташқари, шунингдек, бурғу, тумантуғ ва чортуғ билан ҳам нишонланган.

Мингбеги туғ ва карнай, яъни кўрагага эга бўлган. Юзбеги ва ўнбегига ноғора берилган, турли қўшин, яхни қисм қўмондонлари тегишли нишонлар билан таъминланган. Беглар беги ёки амирул -маро байроқ, ноғора, чоруғ ва бурғу сингари нишонларга сазовор бўлган.

Бирор лашкарбошининг ҳаёти хавф остида қолган вазиятда уни ғаним ўқидан асраб қолиш йўлида ўз кўксини қалқон қилган жангчилар соҳибқироннинг ҳурмат-эътиборига ва олқишига сазовор бўлган, махсус иноятлар билан тақдирланган.

Ғиёсуддин Али ёзади: 1398 йилнинг 11 ноябрида амирлар Шайх Нуруддин ва Аллоҳдод Ҳиндустоннинг мустаҳкам қалъаларидан бири Битнирга берилган омонлик учун тўланадиган мол ва хирожларни қабул қилиш мақсадида келади. Бироқ, қалъа арконлари соҳибқирон билан тузилган сулҳ шартларини бажаришдан бош тортиб, оммани амирларга қарши хуруж қилишга даъват этади. Тенгсиз олишув чоғида ярадор бўлган амир Шайх Нуруддинни битнирликлар асир олиш пайида бўладилар. Аммо Афзун Мазид, Фируз Сейистоний сингари баҳодир жангчиларнинг ҳамда бир нечта ичкиларнинг ўзларини йўқотмасдан кўрсатган жасоратлари туфайли амир Шайх Нуруддин эсон-омон қуршовдан қутулиб чиқади. Соҳибқирон амир жонига қасд қилмоқчи бўлган душманга қирғин келтирган диловарлар жасоратига таҳсинлар айтиб, инъому икромлар кўрсатади. Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг таърифига кўра, темурий лашкарбоши тинчлик чоғида зарҳал ип билан тикилган ҳаворанг сатин кўйлак кийган. Унинг бошида дур ҳамда бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган бўрк бўлган. Бўркнинг остидан уч қатор қилиб ўрилган икки кокил елкага тушиб турган. Элчи бу йўсинда ўрилган сочлар Темурбек аскарларининг нишони эканлигини алоҳида қайд этади.

Соҳибқирон юришга жўнашдан анча аввал ёғийнинг қуролли кучлари, мудофаа иншоотлари, у ердаги ички вазият кабилар ҳақида аниқ ва тўла маълумотга эга бўлиш мақсадида унинг юрти ёки қароргоҳига ўз айғоқчи (хабаргир, жосус)ларини пешма-пеш юбориб турган. Ғаним тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлингандан сўнггина юришга тараддуд кўрилган. Бу хусусда Ибн Арабшоҳ ёзади: «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тоғига на текислигу, на ғадир-будир орқали йўл топилар-ди. У ерларнинг барча томонларида ўз айғоқчиларини тарқатиб, қолган мулкларида эса жосуслар қўйган эди. Улар (жосуслар) жумласидан, унинг амалдорларидан бири Амир Отламиш бўлса, яна бири фақиҳ Масъуд ал-Кухжоний — Темур девони асҳобларининг кўзи эди. Жосусларнинг буниси Қоҳирада, Муизияда бўлса, униси Дамашқда, Шамийсонядаги суфийлардан бири эди. Уларнинг бири чаканафуруш бўлса, иккинчиси йирик савдогар, бадхулқ полвон ва бузуқи дорбоз, жафокор ва ҳунарманд, мунажжим ва ўз табиатича иш қиладиганлар, гапчиноз қаландарлару саёқ дарвешлар, зарофатли мешқоблар, латофатли этикдўзлар, алвасти ва хийлакор Далла мисоли фирибгар кампирлар, тажрибаси бўлиб, илм талабида мағрибу машриқни кезган, пайига тушган мақсад йўлида макр-ҳийла маконида камолига етган, ўзининг нозик фирибви ва даҳоси билан сув билан олов, тўғрилик билан эгрилик ўртасида униб-ўсган, макру ҳийлада Сосон ва Абу Зайддан ҳам ўтиб кетган, ўз ҳикмати ва баҳсида Ибн Синони ҳам мулзам қилган, (қачонки ўйлаган) ишлари ўзларига тескари натижа бергач, улар ўз сўзамолликлари билан юнонликларни сукутга солган, икки мухолифни бир-бирига бириктириб, икки душманни бир-бирига қўшган уддабурро кишилар эдилар. Натижада, улар чор атрофда бўлаётган ҳодисалар ва уларнинг хабарларини Темурга етказиб, ўзлари афзал кўрган ишларини унга баён этардилар. Улар вазнлар, нарх-наволар тўғрисида унга зикр қилиб, манзилу шаҳарларни тавсифлардилар. Уларнинг текис ва нотекис жойларининг суратини келтириб, уйлари ва диёрлари ўринларини чизиб кўрсатардилар, шулар орасида у жойларнинг яқин ёки узоқ, тор ёки кенглигини, уларнинг қайси теварак-атрофда, ғарб ёки шарқдами эканлигини, шаҳарлар ва қишлоқларнинг исмларини, манзил ва паноҳжойлар номларини, ҳар бир жойнинг аҳлию бошлиқлари, амирлари, улуғлари, фозиллари, шарифлари, бойларию фақирларини, уларнинг ҳар бирининг исми ва лақабини, шуҳрати ва насабини, уларнинг ҳунари ва (эга бўлган) воситаларини (тўла-тўкис) баён қилардилар. Натижада, Темур ўз фикри билан шу (нарса)ларни яққол кўриб, тафаккури воситасида ўз ерларидан хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди».

Соҳибқирон сафар чоғи қўшинни қийин ва ўтиб бўлмас жойлардан бошлаб борувчи йўлчи, яъни қажарчиларни маҳаллий халқ ичидан ёллаб олиш масаласига жиддий ёндашган.

Сафар арафасида Темурбек одатдагидай ўз пирлари ва раҳнамолари ҳузурига соф ишонч ҳамда пок иродат билан ташриф буюриб зиёрат шартларини бажо келтирган. Муқаддас ва муборак мозорларни тавоф қилган. Майиб-мажруҳларга, муҳтож ва йўқсилларга назру садақалар улашган.

Етарли миқдордаги черик жам бўлгач, барча қўшин турлари-ёйчилар, найзаварлар, қоруроандозлар, сангандозлар, тахшандозлар, манжаниқ, аррода ва тири чарх отувчилар ҳамда бошқа аскарий қисмлар кўрикдан ўтказилган. Темурбек армиясида ичига ёнувчи модда-нафт солинган кўзачалар ирғитувчи ўт сочиш қуроли-раъднинг узликсиз ишлаб туришини таъминловчи махсус тўпчилар-раъдандозлар мавжуд бўлган. Мустаҳкам қалъа ва қўрғонларни қамал қилишда, душман кучларига қирғин келтиришда самарали қурол ҳисобланган раъдни бошқарувчи тўпчиларнинг сони, Низомуддин Шомийнинг фикрича, 10 минг кишига етган.

Фармони олийга мувофиқ, аскарлар бошдан-оёқ темир совутлар кийиб, зарур қурол-яроғларни олиб отга минганлар, кўрик учун сафларни ростлаганлар. Майдонда ҳар бир қисмга тааллуқли кўк, сариқ, бинафша, қизил, қора рангдаги байроқ ва яловлар ҳилпираб турган. Ҳарбий оркестр ижро этаётган жанговар мусиқалар остида олий бош қўмондон қўшин қисмларини бирин-кетин кўздан кечириб чиққан. Саф тортиб турган жангчилар найзаларини баланд кўтариб, ҳаммалари бир маромда кучли наъра тортиб, сурон солиб, юришга шай эканликларини изҳор қилганлар.

Таъкидлаш лозимки, темурийлар даврида юриш ёки размдан олдин қўшинни кўрикдан ўтказиб унинг жанговар руҳи ва ҳолатини аниқлаш анъана тусига кирган. Кўрикдан нафақат асосий жанговар қисмлар, шунингдек, улар ортидан борувчи оғир карвон ўғруқ (обоз) ҳам ўтказилган.

Темурбек душманига қўққисдан қақшатқич зарба бериш усули билан шуҳрат қозонган эди. Ғаним ўрдугоҳи аниқлангач, аксарият ҳолларда соҳибқирон унга махфий ёки ўтиш ўта машаққатли бўлган, ҳеч бир кимсанинг оёғи етмаган довонлар, даралар, сўқмоқлар, тоғу тошлар орқали тунда уловларни жиловидан тутган тарзда яқинлашар, қуёш ўзининг заррин нурларини бепоён замин узра соча бошлаши билан ғафлат уйқусида ётган ёғийга қуюндек ёпирилар эди. Ибн Арабшоҳ ҳикоя қилади: Темурбекнинг доруссалтана Самарқандда иморатлар қуриш, боғ-бўстонлар барпо этиш, ариқлар қазиб, сув чиқариш сингари ободончилик юмушлари билан банд бўлиб турганлигидан муждa топган қўшни мамлакатлар унинг хужумини кутмасдан, мудофаага тайёргарлик кўрмаган ҳолда хотиржам ҳаёт кечирар эди. Соҳибқирон пойтахтдаги ишларни ниҳоясига етказгач тавачиларга қўшинни тез фурсат ичида Самарқандда тўплаш ҳақида амр қилади. Аскарлар учун ўзи ўйлаб топиб, ихтиро қилган йўсинда тайёрланган дубулғаларни жангчилар кийиб, юришга чиқишларини буюради. Темурбек сафарнинг йўналишини сир тутади.

Соҳибқирон қўшини Самарқандни тарк этгач, Темурбек: «Хўжанд, Турк ерлари ва Туркистоннинг азим шаҳри Жандга юриш қилишга бел боғладим», — деб овоза тарқатади. Шундан кейин Темурбек қўшин гирдобига шўнғиб кетади, унинг отлар бошини қаёққа буришини, қайси томонга ҳамла ёки ҳужум қилишини бирор киши англаб етолмайди. Жаҳонгирнинг қўшини кечани кеча демай, кундузни кундуз демай, иссиқ-совуққа, ташналик ва чарчоққа қарамай тинимсиз йўл босар, қўшин қўнган ҳар бир манзилда кўплаб ҳолдан тойган отлар қолиб кетар эди. Ниҳоят, Темурбек унинг яшинмонанд пайдо бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган Озарбойжон ҳамда Араб Ироқига туташ, Эроннинг ҳарбий сарҳадида жойлашган кўркам Ҳамадон шаҳрига қўшни бўлмиш Луристон чегараларида ҳозир бўлади ва Малик Изуддин ал-Аббосий ҳокимлик қилаётган Баружард қалъасини қамал қилишга киришади. Қалъа ҳокими қўрғонни ҳимоя қилишга мутлақо тайёргарлик кўрмаган, етарли қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, ем-хашак жамламаган эди. Унга мадад берувчи куч ҳам аниқ эмас эди. Бехосдан устига улкан қўшиннинг бостириб келишидан ночор аҳволга тушиб қолган бечора ҳокимнинг соҳибқиронга итоат билдириб, бўйсуниш ва фуқароларига омонлик сўрашдан ўзга чораси қолмайди.

Темурбек шатранж ўйнашга жуда моҳир бўлиб, бу борада ман-ман деган рақибларини ҳам доғда қолдирар эди.

Шатранж тахтаси устида рақибини шиддатли юришлар билан довдиратиб, танг вазиятга туширишга устамон Жаҳонгир маъракагоҳда ҳам ҳар бир қадамини ўйлаб қўяр, қисмларнинг ҳаракатини синчиклаб кузатар, жанг тақдири ҳал бўлиши кутилаётган жойларга мадад кучларни вақтида ажратишни олдиндан режалаштирар эди.

Темурбекнинг Ҳиндга юриш қилиб, Деҳлига яқинлашиб қолганлигидан таҳликага тушган ҳиндлар шаҳзода Султон Маҳмуд, Маллухон ва ўзга номдор ҳинд саркардалари раҳнамолигидаги ўн минг суворийлар, йигирма минг сара пиёдалар ва бир юз йигирма жанговар филлардан иборат қўшин билан унга рўбарў бўлади. Соҳибқирон биринчи галда жангчиларнинг капалагини учириб, уларни даҳшатга солган филларни даф қилиш борасида бош қотиради. Зудликда филларга офат келтирувчи ўткир тиғли учбурчак шаклдаги санчиқ-мўндулардан минглаб ясалади ва филлар келиши кутилаётган ерларга жойлаштирилади. Иккала қўшин жанг ҳаракатларини бошлагач Темурбек ўз аскарий қисмларини чекинишга буюради. Темурий жангчиларнинг тисарилганини кўриб, душман қочди деб хаёл қилган ҳиндлар олға ташланади.

Филлар, уларнинг кетидан отлиқ ва пиёдалар жунбушга келади. Мўнду тикилган ерга етган филларнинг оёқларига ўткир санчиқлар тикон янглиғ қадалади. Оғриқ зўрлигидан қутирган филлар жон аччиғида филбонларни улоқтириб орқага тум-тарақай қоча бошлайди. Улар ортда келаётган ҳинд суворий ва пиёдаларини поймол қилиб, янчиб ўтади.

ИСТИҚЛОЛ ОНАЛАРИ

Ватан — ягона оила

Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ

ТУРОН БИРЛИГИ – ТАРИХИЙ ЗАРУРАТ

Туркистон сўзи тарихий-жуғрофий ном сифатида кўп асрлардан бери ишлатилиб келинади. Мелодий 7-асрда яшаб ўтган машҳур арман тарихчиси Анания Ширакатси ўзининг «Ашхарат свест» (Ер юзининг сурати) номли китобида қуйидагидек маълумот берган экан: «Этил (ҳозирги Волга) дарёсидан бошлаб шарқ томонга Хитойгача чўзилган ерлар «Туркастон» деб аталади».

Бу ерлар қадим замонларда Турон, араблар келгандан кейин эса Моварounнаҳр деб ҳам аталган.

Охирги даврларда айрим сиёсий сабабларга кўра Шарқий Туркистон (уйғурлар ўлкаси), Жанубий Туркистон (Афғонистон шимолий вилоятлари) ва Ғарбий Туркистон (ҳозирги Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон мустақил давлатлари жойлашган Марказий Осиё минтақаси) деб юритилди.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳеч қандай заруратсиз фақат тоталитар тузум манфаатларини кўзлаб, ўтмиши, тарих ва тақдири бир бўлган халқлар беш қисмга бўлинди. Туркистон номини йўқотиш ва унуттиришга қаратилган сиёсат оқибатида бир жону бир тан бўлиб яшаб келган халқлар орасида сунъий тафовутлар, қарама-қаршиликлар, қавмий низолар ва қавмий эгоизм яратишга уринилди. Амир Темур каби бутун Туркистон бирлиги рамзи бўлмиш миллий қадрият ҳодисалари қораланди, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрор валий каби маънавият ва руҳоният осмонининг порлоқ юлдузлари бутунлай инкор қилиниб айбланди, Ҳусайн Бойқаро, Амир Умархон, Бобораҳим Машраб сингари мумтоз адабиёт буюк намояндалари камситилиб, уларнинг ижодларига салбий баҳо берилди. Булардан мақсад мустамлакачилик сиёсатининг асоси бўлмиш «бўлиб ташлаб, ҳукмфонлик қил» деган қоидага биноан қон-қардош халқларни турли бўлакларга ажратиб, минтақада тили, маданияти, дини, тарихи бир бутун халқ ҳамда тарихий бирлик мавжуд бўлмаган ва бундан нари ҳам мавжуд бўлиши мумкин эмас, деган тўқима мафкурага ишонтириш, шу йўсинда осонлик билан улар устидан ҳокимият ўрнатиш ва бу ҳокимиятни абадийлаштириш эди.

Аммо замон ўтиши билан турли миллатлар озодлиги ва иродасига кишан солган тоталитар тузум қулаши оқибатида, унинг ўрнида мустақил давлатлар қад кўтарди.

Ҳозирча Туркистон заминларида беш мустақил республика тарихий синов босқичидан ўтмоқда. Ушбу синов минтақа халқларининг бирлиги, келажаги, мустақиллигини мустаҳкамлаши ва тараққиётига доир муаммоларни ўз иродаси билан ҳал қилишига қаратилган.

Тарихий фактлар шундан далолат берадики, Туркистон халқлари қорахонийлар, сомонийлар ва темурийлар давлатларида ўз тараққиётининг юксак поғоналарига кўтарилиб, жаҳон маданиятига унутилмас ҳисса қўшганлар. Мазкур ютуқлар ва жаҳон буюк давлатлари билан кенг кўламда сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ўрнатилишига минтақанинг барча халқлари (тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар ва ўзбеклар) бирлиги туфайли, муттаҳид ва иқтидорли давлатлар юзага келиши оқибатида эришилган.

Туркистон бирлиги ҳамиша халқ осойишталиги, фан ва маданиятнинг гуркираб ўсиши кафолати бўлиб келган. Аксинча ушбу бирликнинг йўқолиши ва кучсизланиш, минтақада умумий хавфсизликнинг барҳам топиши ва кутилмаган тарихий фожиаларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё республикаларини бешта қудратли, шохи бирлашиб кетган улкан чинорга ўхшатган эди. Ушбу ўхшатиш жуда табиий ва ўринли бўлганидек, минтақа халқларини бирбиридан айри-айри тасаввур қилиш ўринсиз ва ғайритабиий ҳисобланади.

Айтиб ўтилган тарихий талабларни назарда тутган ҳолда, бешинчи май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида Президент Ислом Каримов халқ ноиблари ҳузурида камоли шаҳомат ва жасорат ила «Туркистон — умумий уйимиз» деган ҳаётий шиорни ўртага ташлаб, ягона Туркистон шиорини барча халқимиз қўллаб-қувватлашига заррача ҳам шубҳа йўқ деб, ўз ишончини билдирди.

Президент Туркистон бирлигининг зарурийлиги ва ҳаётийлигини изоҳлаб ўтар экан, ўз сўзларидан хулоса чиқариб, Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ва ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш бугунги куннинг долзарб масаласидир, деб таъкидлади.

Агар биз воқеликни назарда тутиб объектив суратда фикр юритадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, ҳозирги даврда Туркистон бирлигини таъминлаш минтақада энг долзарб масала ва бир тарихий зарурат сифатида кўзга ташланади. Ушбу зарурат регионнинг миллий таркиби, ундаги ижтимоийиқтисодий омилларнинг амал қилиши ва шунингдек, минтақа атрофидаги сиёсий шароитдан келиб чиқади.

Фақат ўтмишни чуқур ўрганиб, келажакни ўз билим ва тажрибалари ёруғлигида ёрқин кўриш малакасига эга бўлган теран фикрли раҳбарлар, тарихий заруратни тарк этиш имкониятига эга бўла оладилар. Тарихий заруратни англаб олиш, унга ижобий ёндашиш учун катта ёрдам беради.

Ҳозирги давр талаби дунё миқёсида интеграцияга чақиради, чунки парчаланиш кучсизликка олиб боради ва интеграция кучайиш ва буюк муваффақиятларга эришиш учун замин яратиб беради.

Модомики, турли маданиятли, турли тилли миллатлардан ташкил топган Европа давлатлари Европа бирлиги томонига интилиб, бу соҳада катта ютуқларга эришиш билан буюк қудратга айланмоқчи эканлар, тили, маданияти, дини, урф-одатлари ва тарихи бир бўлган Туркистон мустақил давлатлари нега бирлашмасинлар!

Иттифоқ парчалангандан кейин регионда бир сиёсий хало (бўшлиқ) юзага келди. Ушбу камчилик минтақада сиёсий таодулнинг бузилиши ва тинчлик омилларининг заифланишига олиб бориши мумкин. Марказий Осиё мустақил давлатларининг ҳеч бири алоҳида шаклда мазкур ўринни ҳар томонлама тўлдириш имкониятига эга эмас. Фақат Туркистон бирлиги ушбу сиёсий масалани ҳал қила олади.

Туркистон бирлиги айни ҳолда жуда муҳим ҳаётий масалалар, жумладан, магистрал йўллар қуриш орқали эркин суратда жаҳон бозорига чиқиш, туризм саноатини ривожлантириш, минтақа хавфсизлигини таъминлаш учун бешта мустақил давлатлар чегараларини мудофаа қилиш, қийинчиликларни биргаликда бартараф этиш, натижада иқтисодий интеграцияни ўзаро амалга ошириш учун катта имкониятлар яратиб беради.

Туркистон геополитик ҳассос минтақада: Хитой республикаси, Ҳиндистон давлати, Россия федерацияси шунингдек, Эрон ва Афғонистон мамлакатлари орасида жойлашган.

Агар чор ва шўро мустамлакачилари ҳудудини қайтадан тиклаш ниятида «Қозоғистон славёнлар юрти» деб жар солаётган солженитсинлар, жириновскийлар ва уларнинг ақидадошлари томонидан Марказий Осиё мустақил давлатларига қарши қилинаётган шовинистик иддаоларни ва шунингдек, минтақадаги фундаментализм ва экстремизм йўналишларини назарда тутадиган бўлсак, регионда сиёсий мувозанатни таъмин қилувчи, Марказий Осиё республикалари мустақиллиги ва миллий манфаатларини сақловчи асосий омил сифатида Туркистон бирлиги диққат ва эътиборни ўзига тортади. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳозирча энг мусоид шароит мавжуд. Тарих бундай олтин лаҳзаларни ҳар доим ҳам миллатлар ихтиёрига қўявермайди.

Туркистон бирлиги бошқа ҳеч бир давлат ё миллат манфаатига қарши бўлмайди. Аксинча, ушбу бирлик нафақат минтақада, балки дунё миқёсида ҳам сиёсий сабаб ва барқарорликни сақлаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

КЕЧИКИШ

I

Поезд кетди.
Энди уйингдан
Вокзалгача учиб борсанг ҳам,
Дилингдаги бор бисотингни
Сўзга жойлаб кўчиб борсанг ҳам...

Поезд кетди.
Ортидан қолган
Тутунлардан минг бора аччиқ —
Сабуҳларни комига тортган
Қаро, қуюқ оҳ тортсанг гарчи.

Поезд кетди.
Тошга отсанг-да
Юзинг, кўзинг, нолон ҳисларни,
Наъра тортиб синдирсанг, бузсанг
Оғир карвон —темир изларни.

Поезд кетди.
Олдиндан кўниб
У ёқларда неки қисмат бор.
Муҳаббатнинг бекати фақат
Қалбинг каби кимсасиз, абгор...
Поезд кетди.

II

Қайтадурман
Ернинг бағрига
Кўк эгилиб йиғлаган дамлар,
Куртакларда туғилган фано
Яшилликка сиғмаган дамлар.
Фарқламасдан дилинг на армон,
На надомат, на зор юкини,
Қайтадурман
Кундуз қуёши,
Тунда ойи тутилган куни.

Суратимни танийсан фақат,
Кулиб туриб недир айтаман,
Мени гамлар ҳайдаган уйга
Наврўз бўлиб қўниб ўтаман.

КЎНГЛИМ

Ёмонликдан унмаган,
Яхшиликка кўнмаган,
Яримта сўз топмаган,
Бутунига чопмаган —
Кўнглим.

Гарчи ёруғ жаҳонда
Тилагани — бир мисқол,
Тошганда ҳам паймонам,
Тўлмаган мунглиғ ҳилол —
Кўнглим,

Гуноҳларим ваҳмидан
Ойда бир бор субҳи йўқ,
«Искандар...» — деб дард тўксам,
Қамиш унмас — туби йўқ —
Кўнглим.

Кечган дарёларининг
Гирдоби кўп, исми йўқ,
Ташлайин, кетай десам,
Боғламоққа жисми йўқ -
Кўнглим.

ЎЗИМГА

Руҳингдаги зангор ранг қонли
Кўр илонни зинҳор уйғотма:
Бандасидан илтифотталаб
Илиняж тутма — гуноҳга ботма.

Сўнгги имкон бармоқларингдан
Силқиб кетса мисоли ёмғир,
Қалбга суян, кўзларингни юм,
Макр — олғир, истеҳзо — оғир.

Саҳродаги адашган гиёҳ
Янглиғ қолсанг яккаю ёлғиз,
Зинҳор шафқат қатрасин тилаб
Кимсалардан тушмагин ожиз.

Алҳамдулиллаҳ де — бу қисмат —
Муҳаббати энг меҳрибоннинг
Руҳу жонинг поклаб олмоққа
Бўлмас бундан ортиқ имконинг.

Ишон қалбинг осмонларига,
Унда Ҳақдин қутлуғ нурлар бор.
Оғир синов бўлса бугунинг,
Демак, олдда яхши кунлар бор.

****

Қалбимиз гоҳ собир, кўпда бесабр,
Келмаган кунларнинг ташвишин
қилар.
Яшнаган яшиллик баҳрида баъзан
Остона босмаган кузга енгилар.

Қаноат — армоннинг йўлини
тўсгич гул —
Тузғиблар ётибди изларимизда.
Надомат селларин кўрамиз раво
Нурларга сиғинган кўзларимизга.

Афсуслар тошидан жисми
минг ёра —
Бўлса-да, жонига куймаган кўнглим,
Етмиш йил шаккоклик қилиб,
бир куни —
Шукр этсак, шу куни сийлайди
Тангрим.

Муҳтарама УЛУҒ



● Шоира фарзандлари билан

ТЕМИР ЙЎЛ УСТИДАГИ ҲАЁТ

Тақдир тақозоси билан яқинда Масков шаҳрига бориб қайтдим. Бозор иқтисоди деган тушунчанинг «болалагани» шу бўлса керак, поездларимиз ҳам бозорга айланиб кетибди, ҳисоб. Нақ ўзи юрар бозор дейсиз. Ҳар вагонда олди-сотди, ҳар купеда тижорат.

Ҳозирги кунда бозор отлиғ боқий сўз: коммерсия, бизнес деган атама кириб бормаган бирорта корхона, муассаса, ташкилот йўқ. Катта-кичик майдонлар бозорга айланиб бораётган ғалати бир жараённи бошдан кечирмоқдамиз. Ҳар дарчада пештахта, ҳар каллада бир хаёл. Пул ўз ҳукм ва фармонларини ҳар жабҳада ҳаётга тадбиқ этиш жазавасига тушган. Бу жазава бизни қай мақомотга олиб чиқади ёки тушади, ёлғиз Яратганнинг ўзига аён. Ҳар ҳолда, шоир айтганидай: «Бешигимизда умид ётибди». Қул ўлмас — ризқи тийилмас, деган умид. Деҳқон далада, ишчи дастгоҳ ортида, ишлаб чиқариш тўхтаб қолгани йўқ-ку. Умид эса келган-кетган, келажак ҳаёт. Ҳар ким бир сўм, бир танга, бир рубл илинжида чопа-чоп, топа-топ, ол-да — сот бўлаётган бир ҳаёт. Темир йўл устидаги ҳаёт ҳам, бозор ҳам шунга қараб ўз йўриғини олган. Фақат темир йўлчилар, аниқроғи, вагон хизматчилари, яна ҳам аниқроғи йўлчивонлар ҳаёти ҳали ҳам ўша-ўша. Ўша-ўша чипта текшириб йўловчиларни белгиланган ўринларига жойлаш; чойшаб тарқатиш ва вақтида қайтиб йиғиштириб олиш; вагонда тартиб-интизому тозалик ва озодаликни сақлаш, ҳар бекатда кирди-чиқдини назорат қилиш, не мақсадда чиққанлари ўзларига маълум йўлбегилар — миршаблару бошқа хос лавозим эгалари билан савол-жавоблар, бу ва бошқа барча ҳолатлар ҳақида состав бошлиғига ҳисобот бериш ва ҳоказо.

Поездда йўловчилар томонидан қаттиқ қадрланадиган яна бир юмуш бор эканким, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтмасам, инсофсизлик бўлар. Бу, йўловчиларни қайноқ сув билан таъминлаш масаласи. Биз жойлашган вагонни шу маънода намунали десак ҳам бўлаверар экан. Қарийб, уч кеча-кундуз йўл юрган бўлсак, қайноқ сув, чой масаласида муаммо бўлгани йўқ. Бу, албатта, йўлчивонларимиз Сотиволди ака Норқўзиев ва Муҳаммад Рихсиевларнинг хизматлари туфайлидир.

Сотиволди ака деганимиз, очиққўнгил, йўловчилар билан ҳам гурунглашиб кетаверадиган, дилкаш бир инсон экан. Шу гурунглардан билганим: ака асли чинозлик. Қирчиллама қирқ ёшида. Аҳли аёлига, бировнинг ҳақига хиёнат қилганларни ёмон кўради. Ўзи эски овчи. Кўпроқ балиқ овлаган. Шундандир ов ҳақидаги теша тегмаган ҳангомалар жону дили.

Турфа одам, турфа феъл. Шунга қарамай, бизнинг вагондаги йўловчилар ўз йўлчивонларидан хурсанд.

Йўл узоқ. Ҳангомамизни йўл каби узоқ қилмай, шу атрофда мухтасар айласак. Бу шингилдан мурод, сафаримиз давомида барча вагонлардаги хизматни маълум даражада батартиб уюштирган ва шу тартибни шахсан назорат қилиб келган состав бошлиғи Эркин ака Қосимовга, йўлчивонлар Сотиволди ака Норқўзиев, Муҳаммад Рихсиев, Манноф Юнусалиев, Шукрулло Каримов, Тўлқин Қосимов ва бошқа эзгу ниятли барча темир йўл хизматчиларига ташаккур билдириб қўйиш эди. Муродимиз ҳосил бўлди, чамаси.

Темир йўл муаммоларичи? — деган ҳақли савол пайдо бўлиши мумкин. Муаммо кўп. Бу муаммоларни темир йўлчилар мендан кўра яхши билишади. Лекин, бу энди алоҳида мавзу.

ДУОЙИ САЛОМ

Масков жуда қадим қалъа —
Кичик бир давлатча бор.
Аҳолиси ўн милёнча,
Бўйлаким, милярдча бор.

Шундай улуғ бир шаҳарда
Маданиятдан кўра
Маданият ҳақиндаги
Сафсата кўпроқ, жўра.

Туз тотдим, сувин ичдим,
Ташаккур шу тупроққа.
Ҳаққим йўқ, важҳим-да йўқ,
Ҳеч норизо бўлмоққа.

Улуғлари яшаб ўтган
Уйлар мудом «бозор»дир.
Ҳаттопойқадамиетган
Жойларда белги бордир.

Шаҳар йиғлар, шаҳар кулар,
Кўнглим, сен ҳам, йиғла, кул.
Мен минг бора рози бўлдим,
Бир бор рози бўлсин ул.

Насиб этса декобирнинг
Оёғиндақайтаман,
Қолган гапни шунда аста
Қулоғингга айтаман...

Яҳё ТОҒА

ТАРҒИБОТНИНГ ЯНГИ ВОСИТАЛАРИ

Президентимиз фармони билан республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ташкил топганига бир йил бўлди. Қисқа давр ичида марказда бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Бажарилган ишлардан кўра, ҳали амалга ошириш лозим бўлган вазифалар анчагина. Марказда халқимиз маънавиятини юксалтириш, маърифатчилик ғояларини кенгроқ тарғиб қилиш борасида кенг кўламли изланишлар олиб бориляпти.

Одамлар онгида маънавият уруғини ундириш тез фурсатда амалга ошириладиган жараён эмас.

Марказнинг вилоятлар бўлимларида ҳам иш ва изланишлар жараёни қизғин. Яқинда Сирдарё шаҳрида марказнинг Тошкент ва Сирдарё вилояти бўлимлари ҳамкорликда семинар-кенгаш ўтказди.

Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги олдидан республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ташкил топганига бир йил тўлиши муносабати билан миллий маданий меросимизни ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, мустақиллигимиз маънавий заминини мустаҳкамлаш борасида бажарилган ишлар, олдинда турган вазифалар юзасидан ўзаро тажриба алмашиш кенгашнинг асосий мавзуи этиб белгиланди. Кенгашда марказ раҳбарининг биринчи ўринбосари Ҳуршид Даврон маъруза қилди. У марказда бир йил давомида қилинган ишлар ҳақида гапириб, ҳали кўпгина вазифалар тўла уддаланмаётгани, ишлар кўнгилдагидек бормаётганлиги хусусида тўхталди. Ўзбекистонда юз бераётган инқилобий ўзгаришларни, иқтисодий янгиликларни тезроқ ва кенгроқ тарғиб қилиш лозимлигини таъкидлади.

Қишлоқ жойларида маънавият муаммоларини ҳал этишда марказ ходимларининг вазифалари нақадар юксаклигини эътироф этди. Семинар-кенгашнинг, айниқса, хўжалик ҳисобида иш юритишни янада такомиллаштириш, тарғиб қилишдаги аҳамияти катталиги айтиб ўтилди.

Истиқлол мафкурасини ривожлантириш борасида ўтган ва жорий йил давомида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар юзасидан марказ Сирдарё вилояти бўлими раҳбари В. Турдиев маъруза қилди. Миллий маданий меросимизни ижодий ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, мустақиллигимиз заминини мустаҳкамлаш вазифалари тўғрисида Марказ Тошкент вилояти бўлими раҳбари Р. Шералиев сўзга чиқди. Марказ бўлим мудири З. Давронов тарғиботнинг янги воситаларини жорий этиш борасида фикр алмашди.

Сирдарё вилояти бўлими хўжалик ҳисобидаги гуруҳ раҳбари Н. Айтқулов, Тошкент вилоят бўлими Пскент тумани масъул ташкилотчиси Р. Йўлдошев бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик ҳисобида иш юритиш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Чунки ҳозирги даврда фақат мавжуд маблағ билан иш юритиш анча мураккаблигини марказ ходимлари, тарғиботчилари аллақачон тушуниб етганлар. Шу боис вилоят бўлимларида, туманларда хўжалик ҳисобида иш юритишга эътибор кучайтирилмоқда. Илк тажриба сифатида ўтказилган ушбу семинар-кенгаш бу соҳада хўжалик ҳисобида иш юритишнинг имкониятлари кенглигини кўрсатди. Ҳамма гап изланишда ва жонбозлик кўрсатишда. Фидойилик бўлган жойда маънавият ва маърифат эшиклари кенг очилиши аниқ.

А. ЖЎРАЕВ

Жаҳон киносининг юз йиллиги олдидан

ТУРКИСТОНДА КИНО БЎЛГАНМИ?

Бўлган!

Бўлганида ҳам қандай денг!

Кино ҳаёти жўш урган!

Тўғри, филма (ўша кезлари кинофилмни шундай дейишарди) ишлаб чиқазадиган студия бўлмаган. Лекин хориждан келтирилган кинонинг илк асарлари кинема-театрларда, «синематограф»да, «иллюзион»да (кинотеатрларнинг аввалги номлари), очиқ ҳавода катта пул эвазига кўрсатиларди.

Муштарийларда савол туғилса керак: қаердан олинган бу фактлар деб. Жавоб барамиз: аввало матбуотдан, архив ҳужжатларидан, филмотекалардан, кекса санъаткорлар хотираларидан. Имконингиз бўлганида «Туркестанские ведомости», «Туркестанский курьер», «Самарқанд» газеталарини, «Сине-фоно» журналини олиб варақланг. Деярли юз йил муқаддам Туркистонда бўлиб ўтган воқеалар, умр кечирган шахслар, «олди-қочдилар», афишалар, ранг-баранг хабарлар билан танишиб ўша ўзига хос муҳитни аниқроқ тасаввур этасиз.

Яна бир манба — кинони биринчилар қатори кўрган томошабинларнинг жонли ҳикоялари...

БИРИНЧИ КИНО КЎРИГИ

Лутфихон аянинг Кўкча даҳасидаги хонадонларига бориб кичкинагина, лекин илиққина айвонларида суҳбат қуриб ўтирганимизда ҳикоя қилган эдилар: «Кино овозсиз бўлган авваллари. Унга кўпчилик тушунмаган ҳам. Бир киши тик туриб оппоқ экранда жонлана бошлаган тасвирни баланд овоз билан шарҳлаб, «Ана кетидан кетди, ана етиб олди. Муштлашишяпти...» каби соддагина сўзлар, иборалар ила таърифлаб борган. Унинг сўзлари баъзан эшитилмай қоларди. Чунки кино кўрсатадиган ускуналарнинг шовқини, мўъжизани кўришга келганларнинг шовқинидан ташқари ўша экраннинг ёнинасида пианино ҳам чалиниб туриларди. Шунда воқеага тушунмай қолганлар: «Нега жим бўлиб қолдингиз. Қаттиқроқ гапиринг!» — деб дарҳол талаб ҳам этишарди»...

Раҳим Пирмуҳамедов — машҳур актёр эса кўрган филмларини айтиб берган эдилар: «1913 йили биринчи марта кинони кўрганман. Тошкент «эски» ва «янги шаҳар»га бўлинарди. Бир куни отам мени етаклаб ўша «эски шаҳар»га олиб тушдилар (Раҳим аканинг ҳовлилари «Госпитал бозори», ҳозирги Шимолий вокзал ёнида бўлган. — Ҳ. А.). Томошахонага кирдик. Бир вақт уйнинг тўрига таранг тортилган оқ сурп кўринмай қолди-ю, ўрнига жониворлар, ўт-ўланлар, каттакичик уйлар пайдо бўлаверди. Ҳамма ҳайрон бўлиб ўтирганида бир кўприк томон икки поезд бараварига келаверди. Иккиси ҳам катта тезлик билан бир-бирига яқинлашар эди. Хулласи, ўша баланд кўприкни устига етиб келганларида бир-бирлари билан тўқнашдилар. Вагонлар пастликдаги оқар сувга ағдарила бошлади... Хотирамга ўрнашиб қолган ўша даҳшатли кўриниш. Сизга айтаяпман-у, кўзим олдидан ўша кадрлар «лип-лип» этиб ўтаётгандек.

Шу филмдан кейин мен кинога тез-тез бориб турадиган бўлдим. Америка филмлари кўп кўрсатиларди. Уйга қайтганимда ҳикоя қилиб берардим. Актёрларнинг ҳатти-ҳаракатини ҳам айнан қайтариб кўрсатганимда атрофимдагилар қотиб қотиб кулишарди»...

Турли манбаларни, жумладан илмий тадқиқотларни, биринчи кино асарларини ўрганиб, Л. Саримсоқова ҳам, Р. Пирмуҳамедов ҳам ўз хотираларида ҳеч нарсани бўрттирмаганларига ишондим, ўша узоқ давр кино муҳити, шароитининг асосий белгиларини илғаб олганлари, хотираларида сақлаб қолганлари ва тафсилотлари билан айтиб берганлари учун миннатдорчилик билдирдик.

Энди Туркистонда кино қай тарзда бошланганини изчил ёритишга уриниб кўрайлик. Аввало, шуни айтайликки, биринчи кино томошабинлари тасвирни тасмага муҳрланган ҳолда эмас, айнан — оқ чодир ортида ёғду ёрдамида кўпчилик кўз олдида намоён бўлишини қайд этганлар. Чунончи, экранда от кўринса унинг (экраннинг) ортида ўргатилган от бўлишини, арава кўринса — арава, ҳатто замбарак кўринса, томошахонага — экран ортига замбарак олиб келинади, деб ўйлаганлар. Шу боис Европада бўлиб ўтган кулгили воқеалар Туркистонда ҳам қайтарилган. 1895 йилнинг 28 декабр куни Парижда биринчи кино сеанси давом этаётганида пишқириб келаётган паровозни кўрган томошабинлар «Гран-кафе»дан тум-тарақай бўлиб қочганлар (биринчи сеанс Париждаги «Гран-кафе»да бўлган). Туркистонда ҳам (масалан, Тошкент вилоятининг Янги Бозор қишлоғида) шундай воқеалар рўй бериб турган: экранда қилич ялангочлаган чавандозлар пайдо бўлиб, томошабинлар томон «яқинлашиб» келаётганларини кўрган кинонинг дастлабки мухлислари отлар туёқлари остида қолиб кетишдан қўрқиб, қочиб кетишган. Кино кўрсатилаётган майдон бўм-бўш қолган.

Шундай қилиб, кино ихтиро қилинганидан кейин икки йил ўтар-ўтмас Туркистонда, хусусан Тошкентда, Ашхободда, Самарқандда, Пскентда, Чинозда жажжи филмлар кўрсатила бошланган. Юзлаб, минглаб томошабинларни ҳайратга солган. «Туркестанские ведомости» газетасининг ёзишича, Тошкентда биринчи кино сеанси 1897 йилнинг 19 октябр куни бўлиб ўтган. «Синематограф Тошкентда пайдо бўлди. Биринчи кўрик бугун, якшанба куни кеч соат 9 да шаҳар театрида бўлади. Сўнгра концерт тинглайсиз...» деб ёзган эди газета. Бир ҳафтадан кейин (1897 йил, 26 октябр) «синематограф»ни Туркистон ўлкасининг бошқарувчиси А. Б. Вревский таклиф этган ва ўз уйида кичик филмларни неча қайта кўрган.

Тошкентда «синематограф»га зарур бўлган электр қуввати бўлмаган. Шу боис дастлабки кўрикларда ацетилендан фойдаланилган. Ацетилен ёнишида пайдо бўладиган ёруғлик ёрдамида тасмадаги тасвир экранга туширилган.

Шундай кино кўрикларидан бири 1901 йилнинг 18 март куни Самарқандда, Шердор мадрасасининг мармар тошлар билан безатилган кенг ҳовлисида бўлган. Бир йўла мингга яқин киши кўрган. Ўша сеансда иштирок этган томошабиннинг таассуротлари сақланиб қолган. «...Бугун бу ерда ҳаракатланадиган фотография — кинематография сеанси бўлади. Мана, оқ сурпдан экран ясалди. Ацетилен ёғдуси билан ишлайдиган баҳайбат аппарат ишга тушди. Аппаратдан бирданига қандайдир сеҳрли нур чиқди-ю, оқ пардада станцияга яқинлашаётган поезд, елиб чопаётган отлар, турли шаҳарлар манзаралари пайдо бўла бошлади. Томошабинлар бир неча дақиқа давомида аллақанча воқеаларни тасвир этган ҳаракатдаги фотосуратларни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдилар, ўз кўзларига ишонмай, бир-бирларига таажжуб билан боқдилар...»

Бундай хотиралар, юқорида номлари келтирилган газеталарда берилган хабарлар, мақолалар шуни кўрсатадики, Туркистонга кино кириб келишида аҳоли, дин пешволари қаршилик кўрсатмаганлар. Яқиндагина бунинг аксини исбот этишга уриниш бор эди. Шайхантоҳур масжидининг ҳовлисида, Кўкалдош мадрасасида, театр биносида, Тошкентнинг марказий боғида, Қаландархонада, ҳужраларда, ёзда эса шаҳар майдонларида, бозорларда, хиёбонларда ўнлаб кинема-театрлар очиларди. 1911 йилнинг ёзида хорижий кино фирмаларидан бири Пскентда ўзининг доимий ишлаб турадиган бўлимини очган. Чинозда, Троицкда, Сирдарёда, Мирзачўлда ҳам кино кўрсатадиган гуруҳларни қизиқиш билан кутиб олганлар.

100-80 ЙИЛ МУҚАДДАМ ҚАНДАЙ ФИЛМЛАР КЎРСАТИЛГАН?

Табиийки, Туркистонда кўрсатилган филмларнинг мазмуни ҳам барчани қизиқтиради. Шу боис уларга умумий тавсиф беришга ҳам, айрим асарларни алоҳида таҳлил қилишга ҳам уриниб кўрамиз.

1897—1907 йиллар давомида ўлкамизда асосан Франция, Германия ва Америка филмлари кўрсатилган. Уларнинг мазмуни номларидан ҳам кўриниб турипти: «Қўлингни кўтар» («Париж ёнида автомобилни ўғирлаш»), «1001 кеча ёки жодугар ва Ларчик», «Фожиали никоҳ», «Араб жодугари», «Париждаги никоҳ идораси» («Бой келин танлаш»). «Виждон азоби ёки нажотсиз қотиллик» (фожиа), «Оилавий жанжал ва яраштирувчи қизалоқ» (драма), «Хотин оёғи остидаги эр» ...Бу асарларнинг мазмуни, савияси зиёлиларни, ота-оналарни қониқтирмагани ҳақида газеталар кўп ёзган. Лекин хусусий кинема-театрлар эгалари хориждан айнан шундай асарларни сотиб олишга, кўпроқ даромад қилишга ошиқардилар. Жамоатчилик қистови биланми ёки кино аҳлининг ташаббуси билан, ҳар қалай ҳозирги илмий-оммабоп филмларни эслатувчи асарлар ҳам баъзан кўрсатилиб турилган. Матбуот хабар қилишича, улар томошабин томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган. Масалан, 1900 йилнинг 25 февралида Тошкент гимназияларининг бирида тарих фанига оид дарсларда Англиянинг Жанубий Африкадаги сиёсатига бағишланган филмлар кўрсатилган. Алп тоғлари, ҳинд филлари, шифохонада жарроҳлик қилиниши жараёни — булар илк бор кино тасмага муҳрланиб Туркистон томошабинига кўрсатилган. 1907 йили эса тасвир билан овозни боғлашга уриниш бўлган. Париждаги «Риол» фабрикасининг вакили Тошкентда «Карневилские колокола», «Фауст», «Кармен» операларини кўришга, биринчи марта жаҳонга манзур бўлган овозлар, хонандаларни тинглашга шароит яратган. «Туркестанский курьер» (1907 йил, 22 апрел) гувоҳлик беришича, француз аппарати ижрочини ва унинг овозини боғлашга имкон берган.

Филмлар назоратдан ўтказилар, айниқса сиёсий мавзудаги асарлар синчковлик билан ўрганилар эди. 1908 йилнинг 27 ноябрида Москвада тасдиқланган «Низом»га мувофиқ «Кишиларнинг ватанпарварлик ҳис-туйғуларини, диний эътиқодларини ҳақорат қилувчи тасмалар, шунингдек... сиёсий мазмундаги филмлар кўрсатилиши ман этилган». Шунинг учун ҳам, Тошкент ва Самарқандда 1908 йили август ойида намойиш этилган бир филмга ёзилган ва «Самарқанд» газетасида (1906 йил 8 август) эълон қилинган қуйидаги тақриз биз ни ўйлантириб қўйди: ...»Дафн маросими айниқса ҳаяжонли эди. Чунки у одатдаги маросимларга ҳеч ўхшамасди. Халойиқ душман томонидан ўлдирилган асл фарзандини дафн этмоқда эди. Мўъжиза рўй берди гўё. Бу ерда фақат май ҳар қандай йиғин ман этилган. Маросимдан ижозат олмасдан оғиз ҳам очиб бўлмасди. Ҳаттоки диний маросимлар ҳам ўқ ва қамчи ёрдамида тарқатиб юбориладиган бу мамлакатда мўъжиза содир бўлди! Марказий шаҳарда ўн, ҳаттоки юз мингларча кишилар ўзларининг азиз ватандошларини дафн этиш учун йиғилганлар. Буни қаранг, бирорта миршаб, бирорта жандарм кўринмайди. Кишини ҳайратга келтирадиган тартибни айтмайсизми! Халқни студентлардан ташкил топган жонли занжир қўриқламоқда. Тантанали ва ажиб оқим бу. Унда уйғонган халқнинг куч-қудрати сезилади. Ҳар бир қиёфага астойдил боқинг: ирода, куч ва ақл-заковат нур сочиб тургандек. Халқ уйғониб кўчага отилган ўз байроқларини олиб чиққан. У албонларга ўз қони бирла талабларини ифода этган. Секин-аста эсиб турган шамолдан ҳилпираётган катта қора байроқни кўриб турибсиз. Унда:«Гражданлар, Таъсис мажлисини талаб қилинг!»- деган сўзларни ўқийсиз.

Ёшлар унга ғолибона боқадилар. Зероки, уларнинг иши бу. Бундай маросимга ўрганмаган қириялар байроққа боқадилар. Мана, кичкинагина байроқчадаги сўзлар:«Яшасин ҳуррият, йўқолсин чор ҳукумати!»

Бундай байроқни кўчага олиб чиқиш учун озмунча азоб-уқубат чекиш керакмиди?».

Бу тақриз қандай филмга ёзилгани бизни жуда қизиқтирди. Кўриб турибсизки, газетада асарнинг номи келтирилмаган. Архивда ҳам учрамади бундай филм. Яна қандай тарихий манба бор?..

Кекса олим, ўша даврни чуқур тадқиқ қилган ажойиб инсон С. С. Гинзбургга мурожаат этдик. У юқорида биз келтирган тақриз билан танишиб чиқиб, ўйланиб қолди:

— Мен инқилобдан олдинги кинематографияни ўрганиш ниятида кўп материал тўпладим. Кўлимдаги ҳужжатларни сиз ўқиб берган тақриз билан солиштириб бир фикрга келдим. Мана ўзингиз ўйланг: Чор Россиясида назорат экранларда кўрсатиладиган ҳар бир асарни ниҳоятда синчковлик билан ўрганган. Одобсиз, инсоннинг юксак ҳис-туйғуларини камситувчи филмларга улар экран сари йўл берганлар. Аслида эса «Низом» бўйича улар тақиқланиши керак бўлган. Лекин оз бўлса-да инқилобий воқеалар акс этган тасмалар бор эди, улар йўқ қилиб ташланган. Сиз айтаётган филм Николай Бауманни дафн этиш маросими ҳақида ҳикоя қилади, шекилли. Менимча, бундай бўлган: Москва назорати фақат Москва кинема-театрларининг репартуарини кузатиб, текшириб борган. Шунинг учун операторлар бу кино сюжетининг бир неча нусхасини Москвадан Туркистонга жўнатганлар. Лекин маҳаллий назоратни чалғитиш учун ҳалоқ бўлган инқилобчининг исми ҳам, воқеа содир бўлган шаҳарнинг номи ҳам атайин келтирилмаган.

Профессор С. С. Гинзбургнинг сўзларида мантиқ бордек туюлди.

ШАҲРИМИЗ БИРИНЧИ МАРТА ТАСМАГА ТУШИРИЛГАН ЙИЛНИ БИЛАСИЗМИ?

Худди шу йиллари Тошкентни ва тошкентликларни кино тасмасига туширишга, сўнгра экранда кўрсатишга уриниш бўлган. Газеталарда, кўчаларда афишалар пайдо бўлган: «Ўзингизни, ва шаҳрингизни кинода кўришни истасангиз, Кауфман кўчасига боринг (куни, соати кўрсатилган). Суратга туширамиз»-- деган сўзлар бўлган. Икки кундан кейин эса «Ўзингизни, яқинларингизни, шаҳрингизни экранда кўришга шошилинг «Хива»да кўринг» (бу кино-театрни катта ёшдагилар эслашса керак. Собиқ К. Маркс кўчасининг бошланишида бўлган: унга кейинчалик «Молодая гвардия»---«Ёш гвардия» номи берилган. 1966 йилги зилзиладан кейин бузиб ташланган. Ўша бинода, яъни «Хива» деб аталган кинема-театрда, 1914 йили Туркистонда биринчи марта филмларни ижарага берувчи идора ташкил қилинган эди. Лекин у тезда «рақиб» кинотеатрлар ўртасидаги низонинг қурбони бўлган.

Бундай эълонни ўқиганлар «ўзимни экранда кўрар эканман», деб катта пулга патта олиб кинога боравергандар.

Шу билан бирга Туркистонни, унинг кўринишларини, ёдгорликларини кенг миқёсда суратга олишга қизиққан фирмалар ҳам бўлган. Даниялик-Франц Адолф Гардер ва француз кино жамиятиЭклер вакили Рене Моро Туркистон ўлкаси бўйлаб кинокамера билан саёҳат қилишга 1911 йили рухсат олганликлари маълум. Шу кадрларни Тошкент ва Москва архивларида, филмотекаларида учратганимиз йўқ. Фикримизча, уларни излашни хорижий мамлакатларда давом эттириш зарур...

1914 йилнинг ёзига келиб рус кино тадбиркори А. Ханжонков «Туркистон табиатини, маҳаллий халқнинг турмушини ва колонизация этилиши шароитини, қишлоқларни, давлат идоралари ва савдо-саноат корхоналарининг фаолиятини» суратга туширишмоқчи бўлди. «Туркестанские ведомости» (1912 й., 2 август) газетасида «Ханжонков ва Ко» акционер жамиятининг суратга олиш режалари эълон қилинди. Лекин улар қай даражада амалга оширилгани ҳақида маълумотга эга эмасмиз...

Кино кашф этилиши билан Туркистонга кириб келишининг аҳамияти катта бўлган. У томошабинни кинематографиянинг мураккаб тилини англашга, тез орада пайдо бўла бошлаган жиддий экран асарларини кўришга, қабул этишга тайёрлади. Дастлабки кино тасмалари туфайли туркистонликлар хорижий мамлакатлар, уларнинг маданияти билан танишдилар. Ўша кезлари суратга олинган Туркистон манзаралари, ватандошларимиз қиёфалари эса авлод-аждодларга қолиши мумкин. Улар сақланиб қолинганига ишонамиз. Чунки Францияда ҳам, Данияда ҳам, Америкада ҳам кино ихтиро қилинганидан кейинги даврда ҳамма нарсани яксон қилувчи инқилоб бўлмаган. Ўша кино лавҳаларини топсак, ватанимизнинг аср бошидаги кўринишини, юртдошларимизнинг қиёфаларини, кийинишлари, юриш-туришларини қайта-қайта экранда кўриш, ўрганиш имкониятига эга бўламиз.

Ҳамидулла АКБАРОВ

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган

Буюртма: Г — 0376

10000 нусхада босилди

Сотувда нархи эркин

Ҳажми 2 босма табоқ

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи муҳаррир — Баҳодир МУРОД АЛИ

1 2 3 4 5 6